

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

BIR TAN-U
BIR JON
BO'LIB!

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

● 2023-yil 28-iyul, №30 (3040)



BIZ
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz

t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOIIY-SIYOSIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



4-5

MERGANLAR MAHORATI OSHIRILDI

Toshkent harbiy okrugi harbiy xizmatchilari ishtirokida "Angren" tog' dala-o'quv maydonida navbatdagi o'quv-amaliy mashg'ulot o'tkazildi.

O'quv rejasiga ko'ra, o'g'lonlarning merganlik mahoratini oshirishda jang olib borishning zamonaviy usullaridan kelib chiqqan holda, yangicha yondashuvlar amaliyotga tatbiq etildi.

8



Vatan himoyasi –
muqaddas burch

ҲАРБИЙ МЕРОС ТАДҚИҚИ



Bahrom ABDURAHIMOV

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг анжуманлар залида «Ҳарбий тадқиқотлар, ҳарбий меросни ўрганиш ва такомиллаштириш, ҳарбий тадқиқотлар институтида илмий мактаб яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Буюк аجدодларимизнинг бой ҳарбий мероси, бошқарув ва саркардалик маҳорати, умуман, миллий ҳарбий санъат тарихини ўрганиш ва оммалаштириш юзасидан юртимизда самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида ҳарбий илм-фанни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айти йўналишдаги вазифаларни белгилаб берди, десак,

муболаға бўлмайди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти ташкил этилиб, унга қарашли марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Республика ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида мазкур институт томонидан бугунги кунга қадар амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари томони-

тадқиқотлар институтининг Ҳарбий хавфсизлик муаммоларини тадқиқ қилиш маркази бошлиғи полковник Азизжон Тоиров, марказ бошлиғи полковник Хусанали Пардаев, институт катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, доцент Озода Раҳматуллаева иштирок этди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирга келиб Қуролли Кучлар Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти тадқиқот йўналишлари бўйича тажрибали мутахассислар билан бутланган ва тадқиқотчилар томонидан бир қатор илмий

бий қўлланмалар, дарсликлар, рисоалар, илмий журналлар ва таҳлилий тўпламлар қўшинлар фаолияти ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларининг ўқув-илмий ва тарбиявий жараёнларига татбиқ этилмоқда.

– Институтимизга Ватанимизнинг қадимдан то замонавий давргача улў аجدодларимизнинг ҳарбий меросини илмий-асосли ўрганиш, буюк саркардаларимизнинг бой тактика ҳамда стратегиялари, миллий ва жаҳон ҳарбий санъатига қўшган ҳиссаларини манба асосида очиб бериш, қаҳрамонликларини



дан мавзуга оид саволларнинг кўлами кенглигидан билиш мумкинки, аجدодларимизнинг ҳарбий меросини ўрганиш ва уни тадқиқ қилишга оид мавзулар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Тарихимизнинг асл моҳиятини холисона ёритиб, келажак авлодларга аجدодларимизнинг ҳарбий меросини етказишда Қуролли Кучлар Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институтининг ўрни беқиёс.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби полковник Отабек Юлдашев, Қуролли Кучлар Ҳарбий мерос ва замонавий

изланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳа йўналиши бўйича нуфузли миллий ва хорижий олий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан меморандумлар имзола-ниб, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, институт базасида идоралараро ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, миллий ҳарбий меросни тизимли ўрганиш ва оммалаштириш концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар натижасида республикаимизда миллий мерос йўналишида илмий мактаб ва илмий марказлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, турли монографиялар, ўқув-услу-

оммалаштириш вазифалари белгиланган. Жумладан, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темурнинг ҳарбий тематик лагерларини ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Бу ҳарбий лагерлар ёшларимизнинг тарихий ва ҳарбий билимини оширишга, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳамда юртимизнинг туристик салоҳиятини оширишга хизмат қилади, – дейди Қуролли Кучлар Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, доцент Озода Раҳматуллаева.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

МУАММОЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ

Бугунги кунда ҳар қандай давлат ташкилоти фаолиятига қўйиладиган асосий мезонлардан бири халққа хизмат қилиш ва аҳоли вакиллари рози қилишдан иборат. Мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиевнинг навбатдаги фуқаролар қабули куни очиқ мулоқот тарзида ўтди.



Лейтенант Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Vatanparvar»

✓ MUVOFIQLASHTIRUVCHI KENGASH

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида Қуrolли Кучлар тизимидаги вазирлик ва идораларнинг 2023 йилнинг ўтган 6 ойида қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ҳолати, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Республика Ҳарбий прокуратураси, Мудофаа, Фавкуллда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, ДХХ Чегара қўшинлари, ИИБ Қоровул қўшинлари ҳамда Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар қўмондонликлари вакиллари ҳамда масъул офицерлари иштирок этди.



Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари адлия полковниги Отабек Холбоев олиб борди.

Муҳокамаalarda жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли рўйбга чиқариш йўналишларидаги чора-тадбирлар натижалари сарҳисоб қилинди.


Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари

ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида камол топтириш борасидаги ишларни жадаллаштириш бўйича аниқ тавсиялар билдирилди.

Видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилган йиғилиш якунида иштирокчилар томонидан айtilган таклифлар инобатга оlinиб, кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ш. ШАРИПОВ

Нурота тоғлари қуруқ иқлими ҳамда иссиқ ҳавоси билан республикаимизнинг бошқа тоғли ҳудудларидан ажралиб туради. Ижодий жамоамиз билан хизмат сафари юзасидан «Фориш» тоғ дала-ўқув майдонига етиб келганимизда худди шу каби иқлимга дуч келдик.



БИР ТАҢУ



Чиллага чиллаки чидамас, дейишади. Ёз чилласининг қоқ ўртаси бўлишига қарамай, ижодий жамоамиз билан хизмат сафарининг илк дақиқаларидан бошлаб иш жараёнларига киришиб кетдик. Очиғини айтганда, кенг майдонда иссиқ ҳаво мен ўйлаган каби қийинчилик туғдирмас экан.

Мудофаа вазирлиги қўшинларида гуруҳларнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини мустаҳкамлаш, шахсий таркиб орасида ўз мутахассислигига эътиборини ошириш, бўлинмаларнинг мўлжалланиши бўйича жанговар вазифаларни бажариш имкониятларини баҳолаш мақсадида «Энг илғор ишғол гуруҳи» мусобақаси ўтказиб келинмоқда. Мусобақанинг бу галги ҳал қилувчи босқичига «Фориш» тоғ дала-ўқув майдони мезбонлик қилди. Ҳарбий округлардан жами 10 та ишғол гуруҳи қатнашган мазкур мусобақа кўтаринки, қизғин жараёнларга бой тарзда ўтгани билан эсда қоларли бўлди.

Жами тўртта босқичдан иборат бўлган мусобақада жамоалар мутахассислик бўйича ўқув-жанговар вазифаларни бажариш ва гуруҳ таркибида бирга ҳаракат қилиш, армия қўл жанги ва пичоқ улоқтириш, ўқув-жанговар вазифа бажариш ҳудудига чиқиш ҳамда ярадорларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни эвакуация қилиш каби нормативларни бажарган ҳолда ўзаро баҳсларга киришди. Беш кун давом этган мусобақада жамоалар ўзларининг куч ва имкониятларини, билим ҳамда кўникмаларини амалиётда намоён қилган ҳолда нималарга қодирлигини кўрсатиб, юқори натижаларни қайд этиб борди.





– Мени қийнаган шарт учинчи босқич бўлди, – дейди гуруҳ командири катта лейтенант Самандар Мусурмонов. – Сабаби мен жамоа аъзолари билан икки гуруҳга бўлинган ҳолда ҳаракат қилдим. Кичик гуруҳим билан берилган вазифаларни бажариб бўлганимга қадар ҳаёлан иккинчи гуруҳимни ўйлаб турардим. Қолган босқичларда жамоамиз бир бутун бўлиб ҳаракат олиб боргани туфайли бошқа шартлар бизга ортиқча қийинчилик туғдирмади.

– Ушбу мусобақа менга кўпгина фойдали кўникмаларни бергани билан аҳамиятли бўлди, – дейди катта лейтенант Лочинбек Тожалиев. – Беш кун давомида сафдошларим билан бир тану бир жон бўлиб тоғ, чўл ва шаҳар шароитида шартли душманга қарши қай тартибда ҳаракат олиб бориш, вазифаларни бажариш жараёнида кўпроқ нималарга эътибор қаратиш бўйича кўникмаларимни янада мустаҳкамлаб бордим. Бу каби мусобақаларнинг давомли тарзда ўтказилиши ҳарбий хизматчиларимизнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Албатта, барча мусобақалар сингари ушбу баҳсларда ҳам энг муносиблар ғолиблар қаторида эътироф этилди. Якуний натижаларга кўра, Шарқий ҳарбий округнинг ишғол гуруҳи биринчи ўринга сазовор бўлиб, мусобақа кубогини қўлга киритди. Иккинчи ўринни Марказий ҳарбий округ, учинчи ўринни эса Тошкент ҳарбий округининг ишғол гуруҳи эгаллади.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»

ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАР ҚЎЛЛАНИЛДИ

Ҳарбий хизматчи нафақат жисмонан, балки маънан етук бўлиши, турли вазиятларда аниқ ва тўғри қарор қабул қила олиши зарур.



Бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган юрт ўғлонлари иштирокидаги ўқув машғулотида айти шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Жанговар ва тактик ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича ўтказилаётган назарий ва амалий машғулотларда жанг олиб боришнинг замонавий усул ва услублари кенг қўлланилмоқда. «Термиз» дала-ўқув майдони гарнизондаги ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг янги билим олиши, тажриба алмашиши учун катта майдон вазифасини ўтамоқда.

Ўқув йили режасига кўра, назарий кўникмалар олган юрт ҳимоячилари дала-ўқув майдонида навбатдаги амалий машғулотларга киришди.

Бунда ҳар бир машғулоти янги ёндашувлар асосида ташкил этилиб, ҳарбий хизматчиларга турли юкламалар бериш орқали эпчиллик,

чаққонлик ва тезкорлик каби сифатларини янада шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бир неча километрлик масофани босиб ўтган ўғлонлар турли табиий ва сунъий тўсиқлардан ўтиш машқларида яна бир бор тобландилар. Айтиш керакки, йигитларнинг чидамлилиги синовдан ўтадиган ушбу машқлар мажмуаси жамоавий жипсликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Яккама-якка жангларда эса пичокдан унумли фойдалана олиш ўта муҳим. Ҳарбий хизматчиларнинг бу борадаги кўникмалари синовдан ўтказилиб, ўқотар ва гуруҳ қуролларидан турли масофадаги нишонларни ишғол этиш орқали мерганлик маҳорати оширилди.

Яна бир ўқув нуқтасида экипажларнинг маҳорати синовдан ўтказилди. Зудлик билан ўқ-дорилар жойланди ва бу ҳақда машғулоти раҳ-

барига ахборот берилди. Буйруқдан сўнг экипажлар отиш марраси томон ҳаракатланиб, турли масофаларда пайдо бўлувчи нишонларни мўлжалга олди.

Албатта, юрт ҳимоячисига об-ҳавонинг ҳар қандай шароити, ҳудуднинг ноқулайлиги берилган топшириқни бажаришида тўсқинлик қила олмайди. Қош қорайиб, кўриш имконияти чекланганига қарамай, ўғлонлар вазифаларни аниқ ва ўз вақтида адо этишда давом этди. Боиси ўқув режасига кўра, тунги машғулотлар бошланган эди.

Ҳа, жанг олиб боришнинг замонавий усул ва услублари бугун амалиётга жорий этилмоқда. Бу ўз ўрнида ўғлонларнинг ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш, касбий билим ва малакасини мунтазам ошириб боришида муҳим аҳамиятга эга.



ТАЖРИБА ВА МАЛАКА МАЙДОНИ

Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари иштирокида илк бор «Тактик ўқчи» мусобақаси ўтказилди.



Ҳамкорликдаги мазкур мусобақада қўшинлардан саралаб олинган юрт пос-понлари тўрт босқичли, яъни квалификация, якка-лик, жанговар жуфтлик ва жанговар тўртлик ҳамда дуэль машқи баҳслари-да маҳоратларини намо-йиш этди. Аҳамиятлиси, ҳар бир босқичдан ўзига хос шартлар ўрин олган бўлиб, бунда иштирокчи-ларнинг мутахассислиги бўйича эгаллаган билим ва кўникмалари синовдан ўтди.

Эътиборлиси, ҳар бир шарт янги ёндашувлар асосида ташкил этилиб, ҳарбий хизматчиларга турли юкламалар бериш орқали уларнинг тезкор-лик ва мерганлик каби си-фатлари амалда синалди.

Турли табиий ва сунъий тў-сиқлардан ўтиш машқлари орқали эса уларнинг чи-дамлилиқ кўникмаларию жамоавий жипслиги яна бир бор намоён бўлди.

Шуни алоҳида таъкид-лаш жоизки, Мудофаа вазирлиги томонидан маз-кур беллашувларга пухта ҳозирлик кўрилди. Жаҳон стандартлари асосида сунъий равишда ўрмон, ботқоқлик ва мусобақа талаблари асосида махсус павильонлар қурилди.

Дўстона руҳда кечган мусобақа чин маънода тажриба ва маҳорат май-дони вазифасини ўтади. Албатта, ҳар бир мусо-бақанинг якуни, ғолибию мағлуби бўлади. Етти кун давом этган «Тактик ўқчи» мусобақасида ҳам кўрса-

тилган натижа, эришилган ютуқлар сарҳисоб қили-ниб, ғолиблар номи эълон қилинди. Унга кўра, Ички ишлар вазирлиги ҳар-бий хизматчилари учинчи, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари иккинчи, Мудофаа вазирлиги ҳар-бийлари эса фахрли би-ринчи ўринни қўлга ки-ритди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида ғолиб ва сов-риндорлар кубок, диплом ҳамда қимматбаҳо совға-лар билан тақдирланди. Шубҳасиз, бу каби мусо-бақалар қўшинларнинг ҳамкорликда жанг олиб бориш, халқаро микёсда-ги мусобақаларда юқори натижаларга эришишига хизмат қилади.



МЕРГАНЛАР МАҲОРАТИ ОШИРИЛДИ

Тошкент ҳарбий округи ҳарбий хизматчилари иштирокида «Ангрен» тоғ дала-ўқув майдонида навбатдаги ўқув-амалий машғулоти ўтказилди. Ўқув режасига кўра, ўғлонларнинг мерганлик маҳоратини оширишда жанг олиб боришнинг замонавий усулларида келиб чиққан ҳолда, янгича ёндашувлар амалиётга татбиқ этилди.

Ўқув-амалий машғулотида дастлаб, икки томонлама жанг олиб бориш таълими асосида машқлар ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчилар икки гуруҳга, яъни кузатувчилар ва мерганлар гуруҳига бўлинди. Машқ шартига кўра, кузатувчилар икки километр масофада ҳудудга мос равишда ниқобланган мерганларни замонавий кузатув мосламалари ёрдамида топи-

ши лозим. Мерганлар гуруҳидан эса берилган масофани кузатувчиларга сездирмасдан босиб ўтиб, отиш маррасини эгаллаш талаб этилди. Машғулоти раҳбари бир вақтнинг ўзида кузатувчи ва мерганларнинг амалий ҳаракатларини баҳолаб борди.

Вазифани тўлиқ уддалай олмаган шартли душман эса жарима сифатида 500 метр масофага югуриб бориши

ва ҳаракат давомида йўл қўйган камчиликларини сарҳисоб қилиб олиши зарур. Шундан сўнг машғулоти раҳбари иштирокида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриб чиқилди.

Ўқув машғулотининг иккинчи босқичида хотирани ривожлантириш машқлари ўтказилиб, мерганларнинг кузатувдаги ҳудуднинг барча элементларини эслаб қолиш кўникмаси оширилади. Ўқув машғулоти режасига кўра, иштирокчиларга бир дақиқада 25 та турли белги кўрсатилиб, 2 дақиқа давомида улар турли са-

воллар билан чалғитилди. Сўнгра бир дақиқа давомида аввал кўрсатилган 25 та мўлжални ўз жойига қайта жойлаштириш талаб этилди. Айтиш керакки, бу орқали ўғлонларнинг эслаб қолиш қобилияти синовдан ўтказилди. Янги билимлар берилди. Энг муҳими уларнинг хотираси мустаҳкамланди.

Машғулотнинг учинчи босқичида эса мерганлардан белгиланган ҳудуддан келиб чиққан ҳолда ниқобланиши талаб этилди. Уч босқичли мазкур ўқув-амалий машғулотида кўзланган мақсад жанг олиб бо-



ришнинг бугунги талаби асосида мерганларнинг касбий кўникмасини ошириш, амалиётда кутилган натижаларга эришишдир.

Амалий отиш машқлари эса нафақат кундузи, балки тунги шароитларда ҳам олиб борилмоқда. 600 метрдан минг метр масофагача бўлган нишонлар соҳа мутахассислари томонидан ишғол этиляпти. Бир сўз билан айтганда, ортда қолаётган 21 кун мобайнида соҳанинг барча сир-синоатлари янги ёндашувлар асосида пухта ўзлаштирилди.

А. ТОШМАТОВ

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий қисм ва муассасалари негизда Мудофаа вазирлиги қўшинлари муҳандис-техник таркиби билан ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди.

МУТАХАССИСЛАР КЎНИКМАСИ ОШИРИЛДИ

Унда Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ, қўшилма, ҳарбий қисмларнинг зирҳли танк, автомобиль ва ракета-артиллерия хизмати бошлиқлари, олий ҳарбий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ракета-артиллерия қурол-аслаҳаларини сақлаш омборхоналари ҳамда зирҳли танк қурол ва техникаларини ишлатиш бўйича масъул шахслар иштирок этди.

Бир неча кун давом этган йиғинда назарий машғулотлар билан бирга амалий ва кўргазмали машғулотлар ҳамда назорат-синов машқлари ўтказилди. Йиғинга Қорақалпоғистон Республикасидаги куч тузилмалари муҳандис-техник таъминоти мутахассислари ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳам жалб этилди.

Ўқув-услубий йиғин зирҳли танк қурол-аслаҳа ва техникалари ҳисобини тўғри юритиш, эксплуатация қилиш, сақлаш, техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича масъулларнинг назарий билим ва амалий кўникмасини ошириш ҳамда хизмат самарадорлигини юксалтириш мақсадида ташкил этилди.

Мудофаа вазирлиги Қуролланиш бош бошқармаси бошлиғи полковник Дилшод Носиров раҳбарлигида ўтган ўқув-услубий йиғин Нукус гарнизони маънавият ва маърифат марказида назарий машғулотлардан бошланди. Маърузаларда иштирокчилар томонидан қурол-аслаҳа, ўқ-дори ва артиллерия қуроллари, автомобиль ҳамда зирҳли танк техникаларини чўл шароитида жанговар қўллашга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, дунёда содир бўлаётган қуролли можароларда соҳа таъминотида оид омиллар чуқур ўрганилди. Шунингдек, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникага мавсумий техник хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш, қўшинларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича мутахассисларнинг тавсиялари тингланди.

Кейинги ўқув жойида гарнизон ҳудудидаги ҳарбий, жанговар ва

махсус техникаларни сақлаш учун мўлжалланган паркиннг муҳим элементи ҳисобланган, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тармоғининг имкониятлари намойиш этилди. Навбатдаги ўқув жойида Нукус гарнизони ёнғин назорати инспекцияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ёнғин-қутқарув бўлинмалари ва қутқарув отрядлари томонидан ўт ўчириш ва қутқарув учун мўлжалланган анжом-аслаҳалар ҳамда махсус ҳарбий техникалар ҳақида маълумот берилиб, шартли равишда ёнғин содир бўлганда, ҳарбий қисм ёнғин ўчириш командасининг тезкор ҳаракатлари кўрсатилди.

Ўқув-услубий йиғин режасига мувофиқ, кейинги ўқув жойи «Нукус» умумқўшин полигониданамойиш этилди. Унда чўл шароитида мудофаа операциясини олиб бориш давомида нотаниш ҳудудда техник кузатув пункти ва таъмирлаш-эвакуация гуруҳининг

кундузги ва тунги шароитдаги фаолияти кўрсатилиб, ҳар бир объектни жиҳозлаш, ҳудудга мос равишда ниқоблаш ҳамда ишни ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди. Навбатдаги манзил Хоразм вилоятидаги «Урганч экскаватор заводи» акционерлик жамияти бўлди. Унда мутахассислар завод инфратузилмаси, ишлаб чиқариш жараёни, имкониятлари ҳамда миллий маҳсулот намуналари билан яқиндан танишиб, билимларини бойитди.

Шунингдек, йиғин доирасида ҳар бир иштирокчидан жисмоний тайёргарлик ҳамда ҳарбий топографиядан назорат синовлари қабул қилиниб, мутахассислик бўйича билим ва кўникмалари текширилди.

Тадбир иштирокчилари Марказий Осиёдаги йирик ва ноёб меъморий ёдгорлик бўлмиш Ичан қалъа, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ тарихи музейига саёҳат қилиб, Нукус гарнизони ҳамда ҳарбий қисмларнинг маънавият ва маърифат марказлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўқув йиғини якунида қўшинларда мавжуд бўлган соҳага оид муаммоли савол ва мурожаатлар тингланиб, уларнинг ечими борасида таклифлар ишлаб чиқилди. Илғор ҳарбий хизматчилар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Подполковник Темур НАРЗИЕВ,
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати бошлиғи



Дастлаб жамият тараққиётига визуал назорат қилиш ёки тасвирни автоматик таҳлил қилиш жараёни сифатида кириб келган видеокузатув тизими эндиликда Ер юзидаги барча мавжуд соҳаларни қамраб олишга улгурди. Шунинг учун бугунги кунимизни оптоэлектроник қурилмалар ёрдамида амалга ошириладиган видеокузатув тизимисиз тасаввур эта олмаймиз.

тузилмаларида видеокузатув қурилмалари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, касбий кўникмаларини ошириб боришни тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг кўплаб кафедраларида, шунингдек бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларида мутахассисларни ўқитиш йўлга қўйилган.

қурилмалари ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб терроризмга қарши курашнинг муҳим қисмига айланди. Кузатув камералари томонидан тўпланган материаллар воқеадан кейинги криминалистикада террорчилик ҳужумларининг тактикаси, усуллари ва ижрочиларини аниқлаш учун восита сифатида фойдаланилади. Аммо террорчиларни камералар тўхтата олмаслиги, террорчилар бунни ҳаттоки, ўз маъ-

моқда. Бунинг натижасида кўплаб офицер кадрларимиз замонавий видеокузатув мосламалари бўйича илмий унвонларга эга бўлишди. Миллий армиямиз ва куч тузилмалари сафларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қилинаётган янгиликлар ҳам талайгина. Уларнинг барчаси мамлакатимиз ва унинг аҳолиси хавфсизли-

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УСКУНАЛАРИ

Кузатув тизими хавфсизлиқни таъминлашнинг энг асосий омилларидан бири саналади. Бу қадим-қадимдан ўз исботини топганлиги билан аҳамиятли. Искандария маёғи дунёнинг етти мўъжизаси рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрнинг яққол мисоли бўла олади. Чунки баландлиги 120–150 метрни ташкил этувчи, Мисрнинг Форос оролида жойлашган ва эрамиздан аввалги 280 йилда қуриб тугатилган Искандария маёғи кемалар учун муҳим кузатув мосламаси сифатида хизмат қилган. Ҳазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам асар қаҳрамонлари ойнаи жаҳон деб номланган кузатув мосламасидан фойдалангани кўрсатиб ўтилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳар қандай кузатув тизими

барча даврларда ҳам инсоният учун энг керакли восита деб эътироф этиб келинади.

Ҳозирги вақтга келиб видеокузатув тизимининг сунъий интеллект, ахборот хизмати, фуқаролар хавфсизлиги, видео таҳлил, видеотелефония, вебкамера, разведка-кузатув дрони каби ўнлаб кўринишлари мавжуд. Кейинги ўн йилликда эса бу тизим ҳарбий соҳанинг ажралмас қисми бўлиб улгурди. Бунинг натижасида дунёдаги барча давлатлар Қуролли Кучлари ва куч тузилмалари видеокузатув мосламаларидан кенг миқёсда фойдаланишни йўлга қўйиб, хавфсизлик самарадорлиги оширилди. Жумладан, мамлакатимиз ва унинг аҳолиси хавфсизлигини таъминлаш йўлида видеокузатув мосламаларининг янги, замонавий қурилмаларидан фойдаланилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, миллий армиямиз ва мавжуд куч

Видеокузатув ёрдамида жамоатчилик ҳаракатини мониторинг қилиш дунёнинг кўплаб давлатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Сўнгги йилларда танага кийиладиган видеокамералардан фойдаланиш, кузатувнинг янги шакли сифатида жорий этилди ва кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, Мудофаа вазирлиги тизимида қўлланилади. Камералар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимининг ёки ҳарбий хизматчининг кўкрагига ва бошига жойлаштирилади. Кузатув мосламаларининг замонавий қурилмаларини икки турга ажратиш мумкин. Мобиль (*разведка-кузатув дронлари, учуш аппаратлари, кемалар, автомобиль камералари*) ҳамда маълум ҳудудга ўрнатилган кузатув мосламалари.

Замонавий видеокузатув мосламаларидан ҳарбий соҳада ва бошқа куч тузилмаларида терроризмга қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш, автомобиллар ҳаракатини мувофиқлаштириш, стратегик аҳамиятга эга давлат корхоналари ҳамда муассасаларини кўриқлаш каби соҳаларда кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Олиб борилган тадқиқотлар шунни кўрсатдики, кўчалар, метро бекатлари ва жамоатчилик тўпланадиган майдонларга ўрнатилган кузатув мосламалари жиноятчиликни 24–28 фоизга камайтиради. Видеокузатув

лумотларини тарғибот қилиш ва нашр этиш учун қўшимча канал сифатида кўришлари мумкинлигини таъкидлаш ўринли.

Таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ва бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларида мутахассисларни ўқитиш йўлга қўйилиши билан бир қаторда, хорижлик соҳа мутахассислари билан ҳам ҳамкорлик олиб борилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада чет эллик ҳамкорларимиз билан биргаликда асосан терроризм ва жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб масалалари бўйича тажриба алмашиб келинмоқда. Россия, Хитой, Туркия, Озарбайжон каби давлатлар ҳарбий ва бошқа куч тузилмалари ходимлари иштирокида халқаро конференциялар, ўқув машғулоти ўтказилаётгани соҳани янада ривожлантиришимизга ва мутахассисларнинг билим ҳамда кўникмаларини ошириб боришга хизмат қил-

гани таъминлашга хизмат қилади.

Маълумот учун: энг биринчи замонавий кузатув тизими 1927 йилнинг июнь ойида рус физиги Леон Терёмин томонидан ишлаб чиқилган ва ундан Кремль биносига яқинлашиб келаётган меҳмонларни кузатиш учун фойдаланилган. Ҳисоб-китобларга кўра, 2021 йилга келиб бутун дунё бўйлаб тахминан 1 миллиард кузатув камераси қўлланилди. Бу камераларнинг тахминан 65 фоизи Осиёда давлатлари ҳудудида ўрнатилган. 1968 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк штатининг Орлеан шаҳри жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида ўзининг асосий бизнес кўчаси бўйлаб видеокамералар ўрнатган биринчи шаҳар бўлди.

**Подполковник
Рустам АХМЕТОВ,
Қуролли Кучлар
академияси ИИВ
қўшинларини тайёрлаш
кафедраси ўқитувчиси**



Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ мамлакат
мудофаасини ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Қуролли Кучларимиз
фаолиятининг ҳуқуқий мезонларини ишлаб чиқиш масалаларига
ҳукуматимиз томонидан жиддий эътибор қаратилди.

ИККИ буюк таянч

Дунёда кечаётган геосиёсий жараёнлар, Марказий Осиё минтақасида юзага келган ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланиш тенденциялари ва таҳлиладан келиб чиққан ҳолда, давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар яратилди. Соҳа бўйича қабул қилинган бир қатор қарорлар халқимиз ва мамлакатимиз ёшлари орасида ҳарбий хизмат нуфузини оширди. Буларнинг барчаси Қуролли Кучларни миллий ҳарбий кадрлар билан таъминлашга имкон яратди.

Бугунги кунда ишонч билан айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси хориж давлатлари армиясидан кам бўлмаган, ўзининг замонавий, ихчам, ҳаракатчан, мамлакатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, сарҳадларимизнинг дахлсизлиги, халқимиз ҳаётининг осойишталигини таъминлашга қодир бўлган миллий армиясига эга.

Тинчлик даврида Қуролли Кучлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлайди, хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш воситаларидан бири ҳисобланади, уруш даврида эса давлат хавфсизлиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш вазифаларини тўла бажаришга қодир. Ҳозирги кунда қўшинларда ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳорати, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг жанговар қобилиятини реал ошириш, қўшинлар жанговар ва

маънавий-маърифий тайёргарлигини ташкиллаштириш тизимини тақомиллаштириш борасида мунтазам ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда шиддат билан ўзгариб бораётган таҳликали вазият, глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитларда халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами тобора кенгайиб, ноанъанавий тус олиб бормоқда. Бунинг оқибатида жаҳондаги вазият мураккаблашиб, танглик ўчоқларининг глобал миқёсда кескинлашуви ҳамда янгилари пайдо бўлишига олиб келади. Глобаллашув шароитларида мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги «Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги қонуни давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича қатъий позициясини ифода этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсати қуйидаги принципларга асосланган:

* бошқа давлатларга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, бундан ҳарбий тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш ҳоллари мустасно;

* хавфсизликнинг бўлинмаслиги, ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўйилмаслиги;

* бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, эҳтимол тутилган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

* ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатлараро тузилмадан, агар у ҳарбий-сиёсий блок этиб ўзгартирилса, чиқиб кетиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш;

* мудофаанинг етарли даражада бўлиши;

* ҳарбий қурилишнинг замонавий ҳарбий можаролар хусусиятига монанд бўлиши;

* ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, тарқатиш ва жойлаштиришдан воз кечиш;

* Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартнома принципларида содиқлик;

* ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базалари ва объектларининг жойлаштирилишига йўл қўймаслик;

* Қуролли Кучларнинг хориждаги тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ операцияларда ва ҳарбий можароларда иштирок этмаслиги;

* халқнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига ва ўзига хос маданий тамаддунига таяниш.

Президентимиз 2023 йил 13 январь куни Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай таъкидлайди:

«...Биз 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири этиб белгиладик. Ушбу стратегия асосида Қуролли Кучларнинг тезкор бошқарувини амалга ошириш, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилдик...»

Жорий йилнинг 13 январь куни бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз томонидан Қуролли Кучларни ривожлантириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берилиб, барча даражадаги қўмондонлик ва бошқарув органлари фаолиятини тақомиллаштириш, қўшинларда автоматлаштирилган бошқарув воситалари ва комплексларни жорий қилиш орқали уларнинг

ҳамкорликдаги оператив ва жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича истиқболдаги долзарб вазифалар белгиланди.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуролли тўқнашувлар таҳлили биздан Қуролли Кучларимизнинг жанговар ҳаракатлар жараёнида илгари амалда қўлланилмаган қуроллардан фойдаланадиган кучларга қарши кураша олиш қобилиятини оширишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ҳар қандай армиянинг жанговар шайлиги нафақат унинг замонавий қурол-аслаҳалар ва ҳарбий техникалар билан бутланганлиги, балки шахсий таркибининг айна ўша замонавий ҳарбий техникаларни бошқаришни қай даражада ўзлаштирганлиги ҳамда жанговар шароитларда уни моҳирлик билан бошқара олишига ҳам бевосита боғлиқ.

Мамлакатнинг мудофаа фаолиятини тақомиллаштириш, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка нисбатан мавжуд таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш масаласи бугунги куннинг долзарб мавзуси саналади. Бунинг учун илғор халқаро тажрибаларни ўрганиб, ҳарбий санъат назарияси ва амалиётини ривожлантириш талаб этилади.

Халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия, киберхуружлар, табиий ва техноген офатлар ҳамда пандемиялар каби ноанъанавий таҳдидларга қарши курашиш ҳар бир мамлакатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатликда тинчликни таъминлаш йўлида ҳарбий-илмий ҳамкорлик доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, жанговар ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарур. Шонли тарихимиз, буюк аجدодларимиз, энгилмас саркардаларимиз жасорати, уларнинг «Билаги зўр бирни енгар, билими зўр мингни» деган доно ўғитлари бизга айнан мана шундай ҳаётий ҳақиқатни ўқтиради.

Гарчи халқаро ва минтақавий хавфсизликка нисбатан таҳдидлар доимий равишда мавжуд бўлиб турса-да, Янги Ўзбекистоннинг мусаффо осмони ва чегараларимиз дахлсизлиги ишончли қўллардадир.

**Полковник
Азизжон ТОИРОВ,
Қуролли Кучлар
Ҳарбий мерос ва
замонавий тадқиқотлар
институтининг
бошлиғи**



ҚОРАХОНИЙЛАРНИНГ ЕНГИЛМАС ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

X–XII асрларда Марказий Осиёнинг катта ҳудудида туркий давлатчилик анъаналари замида шаклланган Қорахонийлар салтанати Қуrolли Кучлари ҳақида қимматли маълумотлар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг араб тилида тузилган «Девону луғоти-т-турк» асарида ўз ифодасини топган. 2001 йили Урумчида нашр этилган Ҳожи Нурҳожи қаламига мансуб «Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар» номли манбаининг «Қорахонийлар давридаги ҳарбий қўшин» деб аталган бобида айтилган масала муайян даражада ёритилган.



Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида қўшин маъносини ифодалашда Кўк турк хоқонлиги Қуrolли Кучлари тизимида ишлатилган су, чериг, эрат терминлари қўлланишда давом этган. Қўшин отлиғ ва ядағ (*пиёда*)лардан ташқари, ўқчи – ёй отувчи, яъни камонкашлардан шакллантирилган. Ҳарбий қисм тутуғларда ўнлик тизими етакчилик қилган. Ўн кишидан иборат бўлим бир чодир – ўтоққа жойлашган, унга ўтоқбоши бошчилик қилган. Аксарият ҳолларда ўнта ўтоқ бирлаштирилиб, хайл, яъни юзлик ташкил этилган, бундай бўлинма ўн ўтоқбоши раҳбарлигида ҳаракат қилган.

Қорахонийлар қўшинининг жанговар тартиби – тизик Кўк турк хоқонлари, Ғазнавийлар, Салжуқийлар лашкари каби беш қисм, яъни илғор, ўнг қўл, сўл қўл, марказ ҳамда захирадан ташкил топган. Асосий кучлардан анча олдинда айғокчилик ва разведка ишлари билан банд бўлган

отлиқлар гуруҳи – тутғок юрган.

Марказий қисм, яъни ўрту пиёда ўқ-ёйчилар (*ўқчи, ўқ-ёйчи*) ҳамда оғир қуrolлар билан жиҳозланган соқчи гуруҳлар-йўртутғ ёрдамида кучайтирилган.

Душман томоннинг ерлари, мол-мулкларини тунда талаш, унинг сафларига қўрқув ва ваҳима солиш ишларига мўлжалланган тезкор отлиқлар гуруҳи – оқинчи термини билан юритилган. Енгил қуrolлар билан таъминланган бундай отлиқлар ёв сафидан асир (*тил*) келтиришга ҳам йўналтирилган. Қўлга туширилган асир – булун (*бул – «эга бўлмоқ, қўлга киритмоқ»*) ёки тутқун (*тут – «ушламоқ, асир олмақ»*)дан ғаним тўғрисида зарур маълумотлар олинган. Тунги ҳужум чоғида қўпдан-қўп ўлжа, яъни ярмақон ёки борғу қўлга киритилган ва улар қўшин таъминоти, аскарлар маоши учун сарф қилинган. Таъминот масаласининг талаб даражасида йўлга қўйилиши бўлажак жанг ва жадалнинг зафарли тугашида замин вазифасини ўтаган.

Жангда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган аскарлар, ботирлар тўнга (*йўлбарс*), тўнга алп (*шавкатли баҳодир*), сўкман (*душман сафини ёрувчи*) сингари унвонлар билан шарафланган.

Черигни белгиланган йўлдан бошлаб бориш вазифаси ерчи, қулавуз, қулабуз ёхуд йўлчиларга юклатилган. Ҳукмдорнинг саройи, ўрдаси махсус соқчилар – навбат томонидан эҳтиёт қилинган. Бундай соқчлар икки гуруҳга тақсимланган, яъни эрта тонгдан кеч киргунга қадар турғок, кунботиш, шомдан тонг отгунга қадар ётғоклар сергакликни қўлдан чиқармаган. Соқчилар зарур қуrol-яроғ ҳамда туғ-ноғора билан таъминланган.

Юришга отланган черигнинг муайян фурсатдан сўнг тўхташи (*ўрук*) учун олдиндан серсув, ўтлоқ манзиллар (*тушун*) танланган. Кечалари аскарлар ётиқ, ётиғ ёки қўнукда тунашган. Тунаш жойининг теваарак-атрофи эҳтиёт қилинган ва йизак, язак термини билан номланишда давом этган отлиқ аскарлар томонидан қўриқланган.

Қорахонийлар қўшинида «қўшингоҳ», «лашкаргоҳ», «лагерь» маъноси нафақат

ўрду, шунингдек тўй истилоҳи билан ҳам ифодаланган. Хоннинг қароргоҳини англатиш мақсадида *хон тўй* термини муомалага кириб келган. Тошкент вилоятининг ҳозирги маркази Нурафшон шаҳри яқингача Тўйтепа номи билан юритилгани ҳаммага маълум. Айтилган мана шу топоним таркибидаги тўй сўзи «манзилгоҳ», «қароргоҳ» маъносини билдирган.

Ануштегин (*1077–1097*) асос солган Хоразмшоҳлар (*1097–1231*) салтанати ўз даврининг қудратли армиясини шакллантириш, уни вазият тақозо этганда осон тўлдириб бориш, ҳарбийларни қуrol-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқат, бошпана ва ҳ.к. билан таъминлаш масаласига фавқулудда катта аҳамият берилган. Қўшин замонасининг илғор қуrolлари билан қуrolланган, жанговар тайёргарлик ва интизом юқори савияда бўлган, саркардалар жанг олиб бориш санъатининг турли усуллари маромида эгаллашган. Қўшиннинг таркиби ва сони режалаштирилган юришнинг қўламини ва муддатига мувофиқ равишда ўзгариб турган.

Тарихий маълумотлар 1195 йилда хоразмшоҳ Такиш (*1172–1200*)нинг девонхонаси дафтарида 170 минг отлиқ аскар рўйхатга олингани, Аловуддин Муҳаммад (*1200–1220*) ҳукмронлигининг дастлабки кезларида бир кун ичида 70 минг атрофида суворий жанг майдонига от сурганидан далолат беради. 1218 йилда ўшбу хоразмшоҳ 150 минг отлиқ ва 100 минг пиёда қўшинни кўрикдан ўтказган. Улуғбек мирзонинг «Тўрт улус тарихи»да Чингизхоннинг Мовароуннахрга юриши арафасида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ихтиёрида 400 мингдан кам бўлмаган лашкар жамлангани қайд этилган.

Хоразмшоҳлар қўшини (*жайш*) таркибан оғир ҳамда енгил қуrolли отлиқлар, ёйчи пиёдалар ҳамда кўнгиллилардан ташкил топтирилган. Қўшинни керакли қуrol-яроғ, аслаҳа, ем-хашак, маош билан таъминловчи хизмат соҳалари ҳам фаолият олиб борган. Совут, зирх ясаладиган устахона (*заррадхона*)ларда моҳир усталар (*заррод*) меҳнат қилган. Ҳарбий амалиётларда муттасил қатнашадиган қисмлардан ташқари, хоразмшоҳларнинг мамлук (*қул, ғулом*)лардан иборат

хос соқчилари (*ходим ул-хосс*) ҳам мавжуд бўлган. Ўн минг ёш, навқирон йигитдан ташкил этилган ўшбу отлиқ гуруҳ малик ул-хавосс қўмондонлигида султоннинг ёнида туриб, жанг қилган. Булардан ташқари, суворийлардан тузилган соқчилар гуруҳи (*науба*) саройни қўриқлаш қатори турли ҳарбий сафарларга, тижорат карвонларини қўриқлаш ишларига ҳам жалб этилган.

Юриш чоғида ҳамда жанггоҳда хоразмшоҳлар қўшини куйидаги тартибда ҳаракат қилган ва саф тортган. Асосий кучлардан муайян масофада (*разведка*) айғокчилик билан шуғулланувчи язак юрган. Қўшиннинг олдида жойлашган илғор қисм – муқаддимат ул-жайшга тажрибали жангчилар қатори, шижоатли, серғайрат ёшлар ҳам тайинланган. Ботирлардан иборат ўнг қўл – маймана хонлар, маликлар ёки амирлар томонидан бошқарилган. Асосан ўқ-ёйчилардан тузилган қўшиннинг сўл қаноти – майсара ҳам жангга шай турган.

Олий Бош Қўмондон раҳнамолигида марказ – қалб ул-жайш паҳлавонлар, хос соқчилар ҳамда енгил қуrolли жангчилар (*жарида*)дан ташкил топган, қўшиннинг жанговар байроғи – алам шу ерда тикилган.

Қўшиннинг ортида жанг пайтида асосий кучларга қўмак бериш ёки уни душман ҳамласидан сақлаш мақсадида соқа истилоҳи билан ифодаланган отлиқ аскарлар қисми жойлашган.

Йигирма еттита мамлакатнинг бирлаштирилиши оқибатида барпо этилган Амир Темурнинг марказлашган салтанати ҳарбий кучлари тузилиши, вазифалари, давлатдаги ўрни, бошқарилиши масалалари Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома», Ғиёсиддин Алининг «Темурнинг Ҳиндистонга юриши», Абдураззоҳ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Муъиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний», Касилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг кундаликлари, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур», Ҳофизи Абрунинг «Мажму ут-тавориҳ ус-султоний», Мирхондининг «Равзат ус-сафо» сингари қатор тарихий манбаларда батафсил ёритилган.

«Ўзбек ҳарбий терминологияси» илмий-ўслубий қўлланмаси асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб, жанговар хизмат вазифаларини сидқидилдан бажараётган ёш ҳарбий хизматчиларнинг хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг ота-оналарига ДХХ раиси ўринбосари – Чегара қўшинлари қўмондонининг ташаккурномасини топшириш яхши анъанага айланган.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ РАМЗИ



Ана шундай ташрифлар доирасида бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар пойтахтимизнинг Сергели, Юнусобод ва Чилонзор туманларида бўлиб, III даражали сержантлар С. Хафизов, А. Рихсихонов, кичик сержант К. Учқунова ҳамда оддий аскар Ш. Самадовнинг ота-оналарига ташаккурномаларни тантанали тарзда топширдилар.

Таъкидлаш керакки, кичик сержант Камола Учқунова жорий йилнинг март ойида ДХХ миқёсида ўтказилган «Тўмарис авлодлари» кўрик-танловида муносиб иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олган. Ташриф давомида унинг ушбу ютуғи алоҳида эътироф этилиб, бундай юқори натижага эришишида ҳар томонлама қўмак берган ота-онасига миннатдорлик билдирилди.

Тошкент туманида жойлашган ҳарбий қисмининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ҳам хизмат вазифаларини бажаришда юқори натижаларга эришиб келаётган кичик сержант Ф. Тўйчиевнинг хонадониди бўлиб, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирокида унинг ота-онасига ташаккурномани тақдим этдилар. Ёрқин таас-

суротлар ва самимий суҳбатларга бой тарзда ўтган тадбир давомида кичик сержант Хусанбек Омонов томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилаётган кичик сержант З. Юлдашевнинг ота-онаси ҳам ана шундай ташаккурнома соҳибига айланиб, эл корига камарбаста ўғлонни вояга етказганларидан ниҳоятда мамнун бўлдилар.

Сирдарё вилоятида ўтказилган тадбир давомида эса ДХХ Чегара қўшинлари масъул офицерлари, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари томонидан фарзандларини юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаган

ота-оналарнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилди ва ташаккурномалар тантанали тарзда топширилди.

– Бизга кўрсатилаётган бундай эътибор ва эҳтиромдан бошимиз кўкка етди, зеро ўз дилбандининг камолини кўриш ҳар бир ота-она орзуси. Фарзандимиз бундан кейин ҳам юксак садоқат билан юртимиз равнақиға ўз хиссасини қўшишига ишонаман. Бунинг учун биз унга барча шарт-шароитларни яратамиз ва ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз, – дейди кичик сержант Шерзод Хўжамқуловнинг онаси Адолат Мамарасулова.

Жиззах вилоятининг Бахмал ва Ғаллаорол туманларида истиқомат қилаётган кичик сержантлар М. Хамраев, Ф. Назаров, Ж. Анарбаев, оддий аскарлар С. Хўрозов, А. Тўйчиевнинг ота-онасига ҳам ташаккурномалар ҳарбийлар ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида топширилди.

Юртпарвар ўғлонининг хизматларидан шараф топган оналардан яна бири оддий аскар Бобурмирзо Обидовнинг Булоқбоши туманида истиқомат қилаётган онаси Кўпайхон Султонова бўлди. Онахонга подполковник У. Абдусаламов ва туман ҳокимининг чегара масалалари бўйича ёрдамчиси А. Мамажонов иштирокида

ДХХ Чегара қўшинлари қўмондонининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди. Эзгу ниятлар ила дуога қўл очган Кўпайхон ая юртга тинчлик-хотиржамлик, унинг ҳимоясида собит турган посбонларга эса мустаҳкам соғлиқ тилади.

Андижон ва Наманган вилоятлари ҳамда Қўқон шаҳрида ҳам ҳарбийлар, Ёшлар ишлари агентлиги вакиллари, Маънавият ва маърифат маркази ходимлари намунали хизмат фаолиятини олиб бораётган ҳарбий хизматчиларнинг доимий яшаш манзилларида бўлиб, уларнинг ота-оналарига ташаккурномаларни топширдилар.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир хонадонда кузатилган қувонч кўз ёшлари, чексиз бахтиёрлик ҳисси ва кўтаринки кайфият ташриф буюрувчиларнинг кўнгилни тоғдек кўтарди. Зеро, туну кун сарҳадларимизда сергак туриб, она юрт тинчлигини кўз қорачиғидек асраётган ўғлонлар хизмати ҳамда уларни камолга етказиб, Ватан ҳимоясига йўллаган ота-оналарининг меҳнати ҳамиша эътибор ва эътирофда эканининг далолатидир бу.

**Майор
Фарида БОБОЖОНОВА**
ДХХ Чегара қўшинлари

✓ EKSKURSIYA

O'chmas jasoratdan so'ylaydi

Har qanday davlat taraqqiyot sari intilar ekan, doimo tarixga nazar tashlab, mavjud urf-odatlar, an'analar va qadimiy yodgorliklarni o'rganishga va saqlashga intilishi tabiiy. Ayniqsa, bu borada muzeylarning o'zni beqiyosdir.



Muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan yurt posbonlari uchun poytaxtimizdagi "G'alaba bog'i" yodgorlik majmuasi va "Shon-sharaf" davlat muzeyiga ekskursiya uyushtirildi. Vatan posbonlari O'zbekiston xalqining Ikkinchi jahon urushida ko'rsatgan beqiyos jasorati abadiylashtirilgan yodgorlik majmuasi va muzey ekspozitsiyalarini ko'zdan kechirar ekan, xalqimizning urush yillarida ko'rsatgan mardlik va matonati, yuksak insoniy fazilatlariga guvoh bo'lishdi.



Bog'da urush va uning oqibatlarini, urush davri manzaralari, jumladan okop va blindajlar, palatkalar, dala oshxonalar va boshqa lavhalar aks etgan majmuada o'sha davrdagi harbiy texnika va qurol-yarog'lar, O'zbekiston xalqining front va front ortida ko'rsatgan jasorati, mashaqqatli mehnati, qayg'u-almi, shuningdek erishilgan buyuk g'alabaga qo'shgan ulkan hissa ifodalangan.

Yosh avlodni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida

tarbiyalashda ham muzeylarning o'zni beqiyos. Muzeylar har bir xalq tarixi, madaniyati, turmush tarzi, milliy an'ana va qadriyatlarini o'rganish, ularni targ'ib etish va kelgusi avlodlarga yetkazishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mayor Sherqo'zi HAKIMOV,
Mudofaa vazirligi
Axborot-kommunikatsiya
texnologiyalari va aloqa
harbiy instituti

ОНА ЮРТГА ФИДОЛАРНИ УНУТМАНГ

*Бу кунларга етмоқ учун
Қурбон бўлди не умр.
Тавоф айлаб Ватан пойин,
Жондан кечди не ёвқур.
Жангу жадал курашларда,
Умрин бермоққа қодир,
Халқим, дебон кетган шаҳид –
Аълоларни унутманг!*

Август ойида Сариосиё ва Узун туманларида олиб борилган ҳарбий ҳаракатларга 23 йил тўлади. 2000 йили Ватанимиз тинчлиги ва ҳурлигига раҳна солмоқчи бўлган халқаро террорчиларга қарши курашган ўғлонларимиз жасорати бугун тарихга айланган. Йигирма уч йилки, ушбу ҳарбий ҳаракатларда онтига содиқ қолиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган арслон йигитлар хотираси юракларда яшайди. Йигирма уч йилки, биз улар ҳақида мақолалар, шеърлар, ҳикоялар ёзамиз. Улар вояга етган хонадонларда бўлиб, яқинлари билан дийдорлашамиз, суҳбатлашамиз, руҳан таянч бўламиз. Ўттизга яқин бу навқирон ўғлонлар номи ҳарбий қисм ва муассасалар, таълим даргоҳларидаги хотира бурчакларидан жой олган, суратлари, бюстлари, улар ҳақидаги маълумотлар қўйилган. Давлатимиз томонидан қаҳрамон ўғлонларнинг яқинларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Бироқ...

2016 йили водийда бўлганимда 25 ёшни қоралаган жияним билан суҳбатлашиб қолдим. Гапимиз мавзуси Сариосиё ва Узун туманларидаги ҳарбий ҳаракатларга келиб тақалди.

– Сурхондарёда шундай воқеалар бўлганини биринчи эшитишим, – деди жияним ҳайратини яширмай. – Ҳарбийлар террорчилар билан олишиб, ҳалок бўлганми?

– Қандай қилиб, билмаслигинг мумкин!? – танбеҳ бера кетдим жиянимга. – Сенларни озод юртда, тинчликда яшашинг учун қанча навқирон йигитлар шаҳид кетганини билмасанг, уят-ку бу!

– Аммажон, ўша пайтда мен саккиз ёш бўлган эканман. Менга ҳеч ким айтмаган бўлса, мактабда ҳам устозлар бу ҳақда гапирмаган, қаердан билай?

– Сентябрьдаги биринчи дарслар мустақилликка бағишланади. Мана шу дарс соатларида истиқлолимизни асрашга жон фидо этган қаҳрамонларимиз ҳақида муаллимлар тўхталиб ўтмаганми? – қизариб-бўзариб турган жиянимдан биров пасайиб сўрадим.

– Йўқ, биринчи бор сиздан эшитдим...

Шундан сўнг олдимга мақсад қўйдим: «Мустақилликка эришганимиздан кейин экстремистик террорчи гуруҳлар томонидан мамлакатимиз тинчлиги ва мустақиллигига чанг солишга уринган Боткен, Янгиобод, Сариосиё ва Бўстонлиқ ҳамда Андижон воқеалари ҳақида қиссалар ёзаман. Булар ўқувчилар қўлига етиб борса, мустақиллигимизни асраш йўлидаги ҳарбий ҳаракатлардан, яъни яқин

тарихимиздан огоҳ бўлишадиган, қаҳрамон посбонларимиз жасорати халқимиз, айниқса ёшлар юрагига муҳрланади.

2017 йили мақсадимга йўл очилди, ҳарбий-ва-танпарварлик руҳидаги киносценарий танлови эълон қилинди. Сариосиё ва Узун туманларидаги террористик ҳуружларга қарши ҳарбий ҳаракатларга бағишланган «Ёвқурлар» сценарийси билан танловда иштирок этдим. «Ёвқурлар» танловда иккинчи ўринни олиб, таниқли кинорежиссёр Ҳилол Насимов томонидан 2018 йили «Ҳаёт» бадиий фильми суратга олинди. Таниқли актёр ва актрисалар томонидан ижро этилган фильм экран юзини кўрди ва ўз мухлисларига эга бўлиб ўлгурди.

Кино тақдимотининг илк кунларида фильм қаҳрамонлари билан ҳарбий қисмларда учрашувлар ўтказила бошланди. Мени ҳам сценарий муаллифи сифатида таклиф қилишди. Мана шу учрашувлардан биридаги воқеа ҳамон юрагимдан кетмайди:

– Фильм ҳозир бошланди, меҳмонлар ҳам ўша ерда, – мени кутиб олган сержант вазиятдан огоҳ этди ва посбонлардан бирига буюрди: – Опани фильм қўйилаётган жойга олиб бор.

– Хола, нима ҳақида кино қўйилапти ўзи? – йўл-йўлакай аскар йигит сўради мендан.

– Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманларидаги ҳарбий ҳаракатлар, террорчилар билан тўқнашувларда ҳалок бўлган қаҳрамон ўғлонларимизга бағишланган фильм, – батафсил тушунтирдим унга.

– Сурхондарёда уруш бўлиб, ҳарбийлар ўлганми? Билмас эканман.

– Хизмат қилаётганингга қанча бўлди?

– Тўққиз ойдан ошди.

– Мустақиллигимиз, тинчлигимизга даҳл қилмоқчи бўлган ташқи душманлар билан боғлиқ қайси воқеаларни биласан, командирларинг машғулотларда гапириб ўтганми?

– ...
– Бирор қаҳрамон ҳарбий йигит ҳақида эшитганмисан?

– ...
Кайфиятим тушиб кетди. Майли, ташқаридагилар билмасин, аммо хизмат ўтаб турган посбондан буни эшитиш... Шу аскар муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, қишлоғига қайтди, дейлик. У ҳарбий хизматда тобланган йигит сифатида ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлади. Атрофида унга бериладиган саволлар мўл-кўл бўлиши табиий ҳол. Кимдир қизиқиб, бу ҳарбий хизмат ўтаб қайтди, албатта билиши керак, деган ўйда қўлоғига чалинган террорчилар ҳужуми, уларга қарши туриб, ҳалок бўлган қаҳрамон ўғлонларимиз тўғрисида сўраса, у нима деб жавоб беради?



Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирда ҳам ҳарбий қисмларда хизмат ўтаётган посбонлар мустақиллигимизга қилинган ҳуружлар, Ватанга, халқимизга отилган ўққа кўксини қалқон қилган қаҳрамон ўғлонларимиз ҳақида деярли билишмайди. Ахир уларнинг хизмат ўтаётган жойида, кўз олдидаги жасорат бурчакларида уларнинг суратлари ва маълумотлари турибди. Посбонлар билан суҳбат чоғида англадимки, машғулотларда улар билиши шарт бўлган озодлигимизни асраш йўлидаги ҳарбий ҳаракатлар, шаҳид кетган жасур ўғлонлар тўғрисида маълумот берилмаган. Аскарлар берган саволларимга индамай бош эгишди. Бу ҳақда тарбиячи офицерларнинг биридан сўраганимда: «Бу мавзуни иш режамизга киритмабмиз, яхши эсга солдингиз, режага киритиб қўямиз», деган жавоб олдим.

Режага киритилмаган қаҳрамонлар... Эломон, Юнусжон, Улуғбек, Сайёр, Бобур, Қаҳрамон... Махсус гуруҳнинг шерюрак ўғлонлари. Афсуслар бўлсинки, улар бу дунёни жуда эрта тарк этишди. Сурхондарёдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этганларнинг барчаси навқирон ёшда эди. Қай бири ўн тўққиз, қайси бири йигирмадан ошган. Ҳалок бўлганларнинг қайси бири ота-онанинг ёлғиз умиди – ягона ўғли бўлса, қайси бири севган ёрига эндигина эришиб, чимилдиқ ипи узилмаганди. Қайси бир йигитнинг аёли ҳомиладор, йўлига кўз тутиб турганди. Қанча мардларнинг кўнгил берган қизлари қайғуда, кўевлик сарполари сандиқда қолди. Ота-оналарининг айрилиқ азобини таъриф этишга тил ожиз, қалам ожиз...

Ҳарбий қисм ва муассасалар ҳамда таълим даргоҳларидаги жасорат бурчакларида қаҳрамон ўғлонларимизнинг суратлари турса-ю, улар ҳақида ёшлар ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаса, жасорат бурчакларидан не наф! Уларни қандай унутиб бўлади?! Улар Янги Ўзбекистон ҳурлигига қалқон бўлган қаҳрамонлар сафида тарихдан жой олган ўт юрак ўғлонлар. Улар тарих китобларига киритилиб, мактабларда ёш авлод билиши шарт бўлган қаҳрамонлар. Балки, бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрармиз. Зеро мустақил Ўзбекистон тарихини билмаган ёш авлод, Ватанни асраш йўлида жасоратли ишларга қодир бўла оладими!?

Шундай экан, Уларни унутманг! Унутмайлик! Унутмасинлар!

ЎҒЛОНЛАР ХОТИРАСИ

*Ота дуо қилди, қўшилди она,
Қароғига тўлди айрилиқ ёши.
«Йўлинг ёруғ бўлсин, ой боргин, болам...»
Дилига тугилди соғинч, бардоши.*

*Қўшни қиз девордан қолди қўл силтаб,
Муҳаббат иккори кўксига пинҳон.
Рўмолча тикканди йигитга атаб,
Четиға битилган рози дил, паймон.*

*Ўғлон кетди шахдам, бурчи шарафли,
Ватан тинчлигини асрамоғи шарт.
Бу йўлда жон фидо этса ҳам майли,
Посбонлик шаънига теккизмагай гард.*

*Манфур ёв тинчимас ҳурлик қасдида,
Эл тинчин бузмақлик гараз мақсади.
Дину диёнатсиз жаллод аслида,
На бир миллати бор, на бир матлаби.*

*Шерюрак ўғлонлар отланди жангга,
Мақсад – босқинчилар изин қуришмоқ.
Ғаддор қўл чўзмасин она масканга,
Оташда қолмасин бу азиз тупроқ.*

*Террорчи тўдалар изғир қашқирдек,
Тоғу тошлар аро пана-настқамда.
Одил жанг қилмоққа журъати йўқ лек,
Ватансиз, иймонсиз, кўкси аламда.*

*Ўртада бошланди аёвсиз уруш,
Бир томон юртим деб кўкси ёнганлар.
Бир томон нафсига қўл ватанфуруш,
Онадан тонганлар, ўздан тонганлар.*

*Душманга отилди олов мисоли,
Сайёру Эломон, Бобур, Қаҳрамон...
Келгинди ёғийнинг танг бўлди ҳоли,
Мақсадига етмай, итдек берди жон.*

*Она Ватан сари отилган ўққа
Ўғлонлар кўксини тутди мардона.
Навқирон умрлар сингди шафаққа,
Ўчмас қаҳрамонлик бўлди афсона.*

*Ўктам ўғлон кетди, қайтмади ортга,
Айрилиқ оташин жим ютди она.
«Мен сендан розиман, болам!» демоққа,
Ўзида куч топди юраги ёна.*

*Мардларни унутманг, унутманг, зеро,
Улар садоқатнинг жигарбандлари.
Мардларни унутманг, унутманг асло,
Улар она элининг жон пайвандлари.*

*Йиллар алмашади, ўтар асрлар,
Ардоқлаб жасорат мадҳиясини.
Унутмас мардликка қодир насллар,
Қаҳрамон ўғлонлар хотирасини.*



МОЗИЙНИ ТИТРАТГАН МУДҲИШ КУНЛАР

(воқеий қисса)

(Холам Қориябиби Мирзоакбар қизи ҳамда шаҳид кетган
боболаримиз хотирасига бағишлайман)

Ойдин кеча. Тунги чирилдоқлар товуши осудаликни бузди. Қишлоқ аҳли ширин уйқуда. Ҳар доимгидек Мирзоакбар қори китоб муталааси билан банд. Тун ярмида дарвозанинг оҳиста тақиллаши уни сергаклантирди. Унинг тунги бедорлигини билган яқинларигина шундай ҳаракат қилишини сезган домла кўча дарвозаси томон шошилди. Дарвозахона тепасидаги болахонада ётган хизматкор йигит уйғониб, пастга тушгунга қадар хонадон соҳиби меҳмонни ичкарига таклиф этиб бўлганди. Хожаси олдида хижолат тортиб турган йигитга қори «дамингни олавер» ишорасини қилди-да, меҳмон билан уй ичига йўналди. Салом-алиқдан сўнг у хонтахта устидаги лампали фонарни баландлатар экан:

– Нечук, алламаҳалда йўқлаб қолибсиз, Юнусбек? – дея хавотир билан дўстига юзланди. – Тинч-лими?

– Асти сўраманг, дўстим, менинг ҳозир қаердан келаётганимни билсангиз эди? – Юнусбекнинг овозини пастлаб, ҳадик ила гапириши Мирзоакбар қорини янада сергаклантирди.

– Худди орқангиздан кимдир таъқиб қилаётгандек, ҳаяжондасиз, дўстим. Томоғингиз қақраган кўри-нади, совуқ чойдан ичиб олинг.

– Ҳаяжонимнинг сабаби бор, албатта, – чойни ичиб, ўзини қўлга олган тунги меҳмон тахликали вазиятдан дўстини огоҳ этишга шошилди, – ён қишлоқдаги Ғофирбой ва унинг гумашталари даврасидан келяпман.

– Юрт хоинлари нечук сизни даврасига чорлабди? – сотқинларнинг номини эшитиб, қовоқлари уюлди домланинг.

– Ҳамма гап шунда-да, дўстим, Ғофирбой уч-тўрт кун ичида қўлидаги мирзо йигитини уйлантирмоқчи экан. Шунинг маслаҳатига чакиртирибди мени.

– Тушунмадим, сизнинг нима дахлингиз бор бунга?

– Ғофирбойнинг шўролар томонга ён босиб келаётганидан ҳабарингиз бор. Эшитишимга қараганда, қишлоқ тепасидаги адирликлар орасида қўналға топган қўрбошиларнинг жойини ҳам шўроларга сотган эмиш. Бу ишларда мана шу мирзо йигити унга яқиндан ёрдамчи экан. Уларнинг сирли суҳбатидан англадимки, яқин кунларда жангу жадал бўлиб, мирзо йигити шўро аскарлари билан урушда қатнашди чоғи. Шунга ўлиб-нетиб қолса, чимилдиқ кўрмай кетмасин, деяпти, назаримда.

– Мальунлар, хўш, сиздан нима исташяпти?

– Ярим тундаги уларнинг машваратига аралашиб қолганим сабаби

дўстим бўлганингиз учун мендан қизингиз Ҳадичабону ҳақида суриштирди. Эрталаб уйингизга улар билан бирга совчи бўлиб келишимни истади. Агар бирор чора қўлла-масангиз, қизингизни унинг қўлидаги мирзо йигитга узатишингизга тўғри келади.

Кутилмаган бу нохуш хабардан хонадон бошлиғи бир дам жим қотди. Унинг мушт бўлиб тугилган қўлининг титрашидан кўксидаги нафрат бош кўтараётгани сезилиб турарди.

– Бундай ватанфурушларга қизимни эмас, итимни ҳам раво кўрмайман, – ғазаб билан овозини баландлатди қори. – У йигитни билман, исми Неъматулло, Ғофирбойнинг энг яқин одами. Ёшлигидан ўшанинг қўлида хизмат қилади. Ўзи сингари келгиндиларнинг қўлига айланган. Айтганингиздек, тез уйлантираётганига қараганда, улар шўролар билан бирор хунрезликни режалаштиргани аниқ.

– Менга ҳам шундай туюлди. Аммо биз ҳозир бошқа нарсани, яъни қизингизни унга узатмаслик йўлини топишимиз керак, – бетоқатланди Юнусбек. – Биласиз, бойнинг истагига қарши чиққан одам борки, унинг чақуви сабаб шўроларнинг зулмига йўлиқмоқда. Сиз эса юртга керакли одамсиз, ўзингизни асрашингиз шарт. Шунинг учун жўяли баҳона топишимиз зарур.

– Элимиз зулмат ичига сингиб бормоқда-ю, сиз ўзни асраш ҳақида гапирасиз-а, жон дўстим, – оғир хўрсинди домла.

– Элни ёруғ кунларга олиб чиқиш учун сиздек зиёли йўлбошчилар керак ахир, – куюнчаклик ила мақсадини тезроқ айтишга шошиларди Юнусбек. – Мен йўл-йўлаккай бир чорани ўйлаб келдим, балки шу иш берар.

Домла қандай чора, дегандек дўстига тикилди.

– Сизнинг қишлоқ имоми сифатида етим-есирларга, қийналган ночор оилаларга ёрдам бериб келишингизни ҳамма билади. Айниқса, уларнинг ўғилларига доимо раҳнамолик қиласиз, илм ўргатасиз. Шулардан бирининг ўғлига савоб учун қизимни унаштириб қўйганман десангиз бўлади-ку!

Мирзоакбар қори хушёр тортди. Бир зум ўйланиб турди-да:

– Қани дўстим, бир жойга ўтиб келамиз, – деди шахт билан ўрнидан қўзғалиб...

Юртда ўз ўрни, ҳар бир гапининг салмоғи бор Мирзоакбар домла қорилик мақомига ёш эришган, Ражабгарди қишлоғининг нуфузли инсонларидан бири эди. У эл орасида баланд обрўга эга бўлган Раҳматулло охун домланинг ёлғиз фар-

занди бўлиб, ота-онасининг қирқ ёшдан ошиб кўрган кўз қораси эди. Охун, яъни ўта билимдон ва заковатли мақомга эга бўлган бу инсон агар кўча дарвоза ёки унинг устидаги болахонада ўтирган бўлса, отда ўтаётган йўловчилар отидан тушиб, салом бериб, ҳурмат бажо келтириб ўтишарди. У ёлғиз фарзандини Қўқон мадрасасида тахсил олдириш билан бирга, илми ўткир устозларга шогирдликка бериб, ҳар томонлама етук инсон бўлиши учун замин яратди. Ҳаракатлари беиз кетмагани сабаб Раҳматулло охун оламдан ўтгач, ёлғиз зурриёди Мирзоакбар қори қишлоққа имом бўлиш баробарида элнинг улар кутган забардаст таянчига айланди.

Эртасига тонг ёйилиб улгурмай, Юнусбек хабар берганидек, Ғофирбой бошчилигидаги уч уламо Мирзоакбар қорининг дарвозасини қоқишди. Меҳмонлар орасида дўсти ҳам бор эди. Хонадон соҳиби уларни ташқари ҳовлидаги меҳмонхонага таклиф этар экан, кўксида кечаётган ғалаённи босишга ҳаракат қиларди. Меҳмонлар дуога қўл очар-очмас, хизматкор йигит ичкари ҳовлидан патнисда егуликлар келтириб, хонтахта устига қўйди. Уламолар томоқ қириб, мақсадларини айтишга чоғланган ҳам эдики, Ғофирбой уларнинг қонун-қоида ила сўз бошлашини кутмай, гапни лўнда қилди:

– Эшигингизга тўй қилиш ниятида қизингизга совчи бўлиб келдик, қори. Қўлимда неча йилдан буён хизмат қилиб келаётган Неъматуллони яхши биласиз. У мен учун ўғлимдек бўлиб қолган. Агар рози бўлсангиз, бир ҳафтага қолмай, икки ёшнинг бошини қовуштирамиз. Бунинг учун сизда ҳам, менда ҳам имконият бор.

Унинг совчилик тавозеси-ю хурмат-эҳтиромни унутиб, юз-хотирсиз айтган гапларидан Мирзоакбар қорининг ранги ўзгарди. Ёнидагилар эса бу ноқулай вазиятдан саросимага тушиб, унинг юзига қарамасликка ҳаракат қилишарди.

Хонадон соҳиби бироз сукут сақлагач, Ғофирбой сингари кескин жавоб қайтарди:

– Қизимизни ҳавас қилиб келганларинг учун ташаккур. Бироқ минг таассуфлар бўлсинки, сизларни қуруқ қайтаришга мажбурман. Бунга сабаб ожизамизни бундан уч кун аввал унаштириб қўйган эдик.

Қаддини ғоз тутиб ўтирган Ғофирбой бу жавобдан тошдек қотди, юзи оқарди. Даврадаги нохуш сукунатни Юнусбек бузди.

– Қутлуг бўлсин, қори! Ким экан у бахти кулган йигит? Наҳот мен бу янгиликдан беҳабар қолган бўлсам?

– Бундан хижолатдаман, дўстим. Қишлоқ аҳлига ҳам энди билдира-

миз. Қизимизни унаштирган йигит қишлоқ четидаги тегирмончининг ўғли Анваржон. Ақлли-хушли йигит. Қўлимда бир муддат сабоқ олган. Билсаларинг керак, – даврадагиларга юзланди Мирзоакбар домла, – онаси болалик чоғларида-ёқ ўтиб кетгани учун отаси уйланмай, ёлғиз катта қилган. Қизимиз шу оилага келин бўлиб, бир банди мусулмининг хонадонини обод қилса, савобининг бир учу биз ота-оналарга ҳам тегади деб, умид қилдик.

Даврадагилар «тўғри-тўғри», дея домланинг сўзларини маъқуллашди. Уламолар унинг савоб умидида бундай ишларга қодир эканлигини ҳис қилиб турса-да, Ғофирбой бунинг тағида бошқа гап борлигини англаб етганди. У шу кундан бошлаб, Мирзоакбар қорининг кўринмас душманига айланди.

Орадан бир кун ўтиб, Ғофирбой Ражабгардининг энг сулув қизига мирзо йигитини унаштирди ва шошилинч равишда тўй тадоригини бошлаб юборди. Унинг тезоб ҳаракати замирида яширин сир борлигини англаган икки дўст бунинг тағига етишга интилишарди.

– Назаримда, бу сирни очгандайман, – домланинг хонадонига кечга томон кириб борган Юнусбек фикрини айтишга шошиларди. – Ғофирбойнинг атрофида менга ҳам яқин бўлган одамлар бор. Билишимча, яна ўн кунлардан сўнг Қўқонда кўним топган душман аскарларини унинг мирзо йигити қўрбошилар қароргоҳига олиб борар экан. Унинг бу тўқнашувдан тирик қайтмаслигини тахмин қилган бой хизматкорини уйлашга қарор қилган.

– Бу хиёнатдан қўрбошиларнинг хабари бормикан? Бунинг чорасини топиш зарур, – нафрат титроғидан ўзини босолмасди домла. – Тезда уларни хабардор қилиш керак.

– Шуниси ёмонки, орқаворатдан қанча суриштирмай, қўрбошилар билан яқин алоқада бўлган бирорта одамни топа олмадим. Аммо ишончли одамларимни ишга солганман. Эрта-индин янгилик бўлиб қолса, ажабмас.

– Қандай замонларга қолдик, Юнусбек? Ўзингники ўзагингдан ўтказди, деб шуни айтса керак. Юртимиз аллақачон душман қўлига ўтиб бўлган. Бунинг сабабчиси Ғофирбой сингари манқурт кимсалардир. Бу офатдан қутулиш йўли бормикан?

Икки дўст оғир ўйга толди. Аини дамда иккисининг ҳам кўксида бир ғалаён бош кўтармоқда эди – юртни ёғий исканжасидан қандай асрамоқ керак?...

(Давоми газетанинг кейинги сонида)

З. ЮНУСОВА
«Vatanparvar»

САП-САРИҚ



ҚОВУН

Хуллас, Бухородан енгил машинада қайтаётган эдик. Ҳамкасбларим – Фахриддин Нутфуллаев рулда, олд ўриндикда Хайрулла Ўлмасов, орқада эса каминангиз ёнбошлаб, хаёл оғушида кетаётган жойимиз. Кечки соат 21:00 лар чамаси йўлбошчининг калласига ажойиб фикр келиб қолди: – Сирдарёдан қовун олмаймизми?

Ухх, зўр ғоя. Ҳаялламай, шундоқкина йўл четида турнақатор тизилган «қовунфуруш»лар қўналғасига тўхтадик. Салом-алиқдан сўнг ўзимизча қовунларни қўлма-қўл кўтариб саралар эканмиз, сотувчи айтган нархдан ҳафсаламиз пир бўлди. Ҳатто «Корзинка»да ҳам бунчалик эмас-ку, деворди шеригим.

– Деҳқонмисиз?
– Ҳа.
– Нарх деҳқонники эмас-ку.
– Тирикчилик. Даланинг меҳнати шу бўлиб қолди...

Хуллас, савдомиз пишмади. Кейинги растага шарт ўтиб кетдим. Озгиндан келган чайир йигитчанинг қовун кўтарган қўли ҳавода қолиб кетди.

– Ўзингдан кўр, анойингни топибсан, – дедим ичимда.

Зум ўтмай, 4 та қовун билан машинага қайтдим. Шерикларим ҳам олиб бўлишган экан. Бояги йигитча мендан кўз узмади. Гўё бу кўнгил унинг афсус ва пушаймонликларини кўришга ташнадек. Сездимки, қовунларни машина юкхонасига ортаётганимда ҳам унинг нигоҳи менда эди.

Энди хоразмлик оғанинг таъбири билан айтганда, «кетарга керак». Аммо биз жойимиздан бир қадам ҳам силжий олмадик. Машина ўт олмай қолса денг. Телефоним ҳам «ўчаман» деяпти. Қандайдир сценарий ичига

кирганимни англадим. Аввал қовун растаси бўйлаб «розетка» қидирдим. Отлиқда йўқ. Бориям жуда банд. Фақат бояги йигитнинг томи тепасидаги «тройник»нинг бир «кўзи» бўш.

– Ўлсам ҳам сўрамайман. Одамда бет бўлиши керак. Қовунидан битта олган бўлсам ҳам майли эди...

Айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўша қозикқа келавердим. Барча йўллар шу «қовунфуруш»га элтаверди. Ҳатто машинамизга зарур аккумулятор ҳам ўшанинг яшил «Жигули»сида бор экан. Сотувчи уйсиз ишимиз битмаслигини аниқ ҳис қилди. У таслим бўлишимни кутар, бояги тортишувлар аламини олишга ҳозирланаётгандек гўё. Бош суқмаган растам қолмади. Йўқ. Назаримда, Яратган шу лаҳзада ўнлаб «қовунфуруш»ларнинг бор бисотини беркитиб қўйган-у, ҳамма нарсани ўша йигитнинг қўналғасида муҳайё қилиб қўйган. Ўлай агар, ҳатто аккумуляторга улаш учун керак бўладиган икки қарич алюмин сим ҳам фақат унда бор эди. У ёқ-бу ёққа юраман-у, «Бу кунингдан ҳар нарса бўлганинг яхши эди», дейман ўзимга-ўзим.

Вазият шундай кечди: сотувчи йигит машинасидаги «аккумулятор»ни ечиб берди. Чироқ ёқиш учун мўлжалланган узун алюмин симидан ҳам икки метрлар кесди. Агар шундай бўлишини билганимда борми, қовунларни айтган нархида бўлсам олмасмидим. Шу бизга обрў бўлмасмиди?

Ўлганинг кунидан оғиз жуфтлаб, сотувчининг шеригидан телефонимни қувватлаб олишни сўрадим. У бўлса, «Бу киши биздан қовун олдимми ўзи?» дея талмовсиради.

«Ҳа, олди, қўяверсин», деди кутилмаганда «қовунфуруш» машинасидан эски аккумуляторни ечар экан. Ичимдан зил кетдим. Унинг мардлиги мени азоблай бошлади. Негадир хаёлимдан «Қора кўз бўй-бўй» қўшиғидаги «бўлғуси шармандаси» мисраси айланаверди.

Телефоним қувватга кирди. Сал нарида тариллаб турган «движок»

эса иккита лампочкани ёқиш учун экан. Бир четда туриб, анча совидим. Оёғим ердалигини, оддий одам бўлиб яшаш шарафи қанчалик улўф эканини туйдим. Ҳатто ўзимни душманидан марҳамат кутаётган нобакор жангчи санамим.

«Юсуф билан Аҳмад» достонидан бир воқеа бор эди. Зиндонда етти йил ётган ака-укаларга Худо бир енгиллик берадики, улар ғам-ғуссани сезмай ўтади. Гўё «Худо унуттирди, бандани унутди».

Агар ҳикоям шундай тугаса, Худонинг адолати қаерда қоларди? Зум ўтмай, ўша растага машинада қовун олиб келишди. Икки сотувчи шошиб қолди. Бирови машинадан қовунни узатса, иккинчиси гандираклаб ерга тахларди. Шартта ўртага қўшилдим, икки «қовунфуруш»нинг иши енгиллади. У менга кўз қирини ҳам ташламай қовун узатарди. Шерикларим менинг бу ташаббусимдан зимдан ҳайрон бўлишди. Бу орада машина ўт олган, мен эса терга ботиб, ишлар эдим.

Ўзиям анча-мунча экан. Қўлларим титраб қолди. Машина ўриндиғига чиқар чоғим сотувчи йигит қўлида ўткир ҳиди анқиб турган бир дона сап-сарик қовун тутқазди. У ростдан ҳам бошқаларидан ўзининг сариклиги билан ажралиб турарди.

– Буни олинг, чин дилдан. Раҳмат сизга.

«Йўқ», дейишимга қарамай, тўртта қовун устига бешинчиси ҳам қўшилди. Хайрлашдик. Унинг кир бўлиб кетган қўлларини маҳкам сиқдим.

– Сизга раҳмат!

Шерикларим, «бизам таширдик», дея пичинг қилишган бўлди. Йўл бўйи Худонинг бу ишлари ҳақида ўйлаб кетдим. Нелар бўлганидан беҳабар ҳамроҳлар эса Тошкентга етгунимизча мендан роса қотишди. Алламаҳалда уйга етдим. Қовунларни кунора сўйиб едик. Дарвоқе, оиламнинг ай-тишича, бешта қовуннинг ичидан сап-сариги энг ширин чиққанмиш...

Бобур ЭЛМУРОВОД

✓ TANLOV

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг дунёқараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини ошириш – соҳада олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада вазирлик тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларни, айниқса ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий-маънавий меросимизга ҳурмат ва садоқатли қилиб тарбиялаш ҳамда ижодий салоҳиятини оширишга қаратилган бир қатор танловлар ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясида вазирлик тузилмаларининг ҳарбий хизматчиларидан таркиб топган жамоалар ўртасида «Тарих билимдони» ва «Энг яхши ҳарбий

ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР АНИҚЛАНДИ



қўшиқ ижроچиси» кўрик-танловлари ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Маданият ва туризм вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг масъул ходимлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти, ҳарбий хизматчилар, академия курсантлари иштирок этди.

Тадбирни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи полковник Абдуазим Аҳмадхўжаев кириш сўзи билан очиб, Янги Ўз-

бекистонда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шу билан бирга, вазирлик тизимида хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётини ва профессионал кўникмаларини илм-маърифат асосида қалби ва онгига сингдириш лозимлигини, мамлакатимиз ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини асрашдек шарафли ва машаққатли хизматлариغا уйғун равишда уларнинг билимларини ошириб бориш жоизлигини алоҳида таъкидлаб, барча иштирокчиларга омад тилади.

Шундан сўнг танлов шартлари бўйича чиқишларга навбат берил-

ди. Танловда жамоалар «Блиц саволлар», «Тест саволлари», «Суратдаги тарих» шартлари бўйича беллашдилар. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва курсантлар томонидан тайёрланган она Ватанимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар тадбирга янада ўзгача шукуҳ бағишлади.

Тадбир якунида вазирлик раҳбарияти томонидан ғолибларга ва фаол иштирокчиларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Майор Фарҳоджон ХОЖАЕВ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси катта ўқитувчиси

Бугун зиёлилар даврасида ўзбек бадиий фильмлари борасида гап борар экан, кўп ҳолларда шонли тарихимиз бор-у, лекин уни ифодалай оладиган фильмлар йўқлиги ҳақида хулосалар янграйди.

ҚАЛБЛАРГА ҚАЙТГАН ТИМСОЛ

Дарҳақиқат, йигирма йилдан ошиқ даврда миллий телевидениемиз халқимизнинг тарихга бўлган қизиқишини корейс телесериаллари орқали бир нуқтада ўшлаб туришди. Етишиб келаётган авлод ўз тасаввурда мардлик, шижоат тимсоли сифатида фақатгина корейс миллий қаҳрамонларини кўрди. Тўғри, миллий медиа вакиллари томошабин-мухлисларнинг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда ўз таклифини эфирга узатади. Миллий сериалларнинг хориж сериаллари билан беллаша олмаслиги ҳақида телевидение раҳбарияти ҳам, халқимиз ҳам яқдил хулосага келиши тайин. Лекин кейинги йилларда тарихий сиймоларимизни халқимиз қалбига яқинлаштириш учун сезиларли, дадил ҳаракатлар олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда.

Жумладан, ана шундай эзгу мақсадлар намунаси сифатида «Халқ юраги» лойиҳаси туркуми доирасида режиссёр Бобур Шер ўғли томонидан суратга олинган «Йўлбарс изидан» тарихий-ҳужжатли фильмини мисол қилиб айтиш мумкин. Ушбу ижодий иш Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланган фильм 35 дақиқадан иборат.

Халқимиз кўп йиллар давомида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг зангори экранга муҳрланган тимсолини Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммад Абдуқундузов сиймосида кўриб келди. Актёрнинг самимий ижроси қалбимизга сингиб кетган. Демак, галдаги фильм марказига янги қиёфаларни олиб киришда режиссёрдан ижодий маҳорат билан бирга, дадиллик ҳам талаб этилади. Чунки халқнинг шуурига сингиб кетган сиймонинг янги талқинини яратиш учун муаллиф кўп изланишга тўғри келади. Режиссёр Бобур Шер ўғли ҳам ана шу масъулиятни тўғри ҳис қилган ҳолда, ўз ижодий ёндашувини аниқлик билан кўрсата олган.

Фильмда тарихий воқеаларни зерикарли усулда ҳикоя қилиш йўлидан борилмаган. Дастлабки эпизод Бобурнинг Ҳиндистонда заҳарланиш воқеаси билан бошланади. Эпизодлар оралиғида республиканинг ва хорижлик таниқли олимлар, профессорлар, ижодкорлар ва жамоат фаолларининг Бобур ҳақидаги интервьюлари бериб ўтилган. Жумладан, Хайриддин Султонов, Зокиржон Машрабов, Абдумажид Мадраимов, Мирзаюсуф Рустамбоев, Раҳим Жумабоев (*Ўзбекистон*), Виллер Текстон (*АҚШ*), Сайид Нақи Аббос, Нажаф Ҳайдер (*Ҳиндистон*), Магда Махфуз (*Миср*)нинг фильм сюжетига мос равишда илмий суҳбатга тортилиши факт ва маълумотлар ўрнини тўлдирган.

Тарихий ҳужжатли фильмнинг умумий фони халқаро телеканалларнинг машҳур ҳужжатли фильмларини эслатади. Тасвирда аниқлик, кадрларнинг тез-тез алмашиви, томошабинни толиқтириб қўймаслик учун жанг манзараларининг

намоиш этилиши, ўрта аср меъморчилик намуналарининг ишонарли тарзда тиклангани, сахна костюмларининг ўз даврига уйғун келгани, ҳамма-ҳаммаси фильмга бадиий-эстетик жозиба бағишлаган. Кадр ортидан ровий нутқи учун ҳам икки хил овоз соҳиби танланган, воқеликларга киришдан олдинги ва яқундаги воқеалар учун Муҳаммаджон Абдуқундузов ҳамда Бобурнинг ҳикоялари учун эса Фаҳриддин Шамсиматов матни ўқийди.

Фильмнинг умумий манзарасида Бобурнинг кечинмаларига параллел ҳолда ўша даврнинг мураккаб руҳиятини ифодалашга ҳаракат қилинган ва бунга эришилган ҳам. Олимларнинг Бобур фаолияти ҳақидаги атрофлича берган интервьюлари фильмнинг илмий жиҳатдан тўйинтирилишига хизмат қилган. Бобур образи учун танланган ёш актёр Илҳом Бердиев истеъдоди янгидан кашф этилган. Сарой сахналари, хусусан, тахт кўриниши давр ижтимоий кайфиятига мос равишда танланган. Тахтнинг икки ёнидаги йиртқич ҳайвонлар: йўлбарс ва шернинг жойлаштирилгани, уларнинг Бобур ортидан эргашиб юриши бош қаҳрамон салобатини янада оширган. Кадрлар ва эпизодларга муштарак тарзда Бобурнинг ғазал ва рубоийлари ўқиб борилиб, «Бобурнома» матнини безатган миниатюралар ҳаракатлантирилади. Фильм сюжетида Бобурнинг Андижондаги болалик заҳмати, Самарқанддаги қонли тўқнашувлар, Ҳиндистон забот этилишидаги машаққатлар ҳамда ўз жонини ўғли Ҳумоюнга назр қилиниши каби тафсилотларга урғу берилган. Умуман олганда, фильм сценарийсининг асосини Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бўлган эҳтиром ва чуқур изланиш ташкил этганини ҳис этамиз.

Шу билан бирга фильмда айрим, баҳсалаб ўринлар мавжудлигига эътибор қаратмоқчимиз. Хусусан, бемор ётган Ҳумоюннинг соч турмаги замонавий йигитларникига хос бўлиб қолган. Яна бир томони бадиий лавҳаларда Шайбонийхон образини асосан қора бўёқларда кўрсатишга мойиллик кучайган. Фильмнинг илмий интервьюларида таъкидланганидек, Шайбонийхон теурий шахзодаларнинг бошбошдоқлигидан унумли фойдаланган, тажрибали, ўз тактикасига эга саркарда эди. Тарихий вазиятнинг ўзи уни ҳукмронлик поғонасига олиб келганди. Унинг узоқни кўра билиш маҳоратига эга эканини жанг сахналаридан ташқари, масалан, сарой аъёнлари билан қилган маслаҳатлари ёки шоирлик маҳоратига оид лавҳалар мисолида бир неча сонияларда гавдалантириш мумкин эди.

Ушбу жузъий камчиликларга қарамай, фильм бугунги кун томошабини, тарих ихлосмандларига ёруғ умид беради, кинонинг тарихимиз сари ташланган дадил қадамини исботлайди. Афсуски, миллий телеканалларимизда шу каби янги умидли ижодий ишлар тез-тез намоиш этилмагани ачинарлидир. Телеканаллар Бобур ҳақида гапириш учун февраль ойини кутмасдан, бу каби фильмлар тарғиботини кучайтиравериши керак, зеро бугунги кунда ёш авлоднинг миллий ғурурини шакллантиришда зангори экранларнинг аҳамияти йўқолгани йўқ.

Жорий йилнинг 26 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори соҳа олимларини беҳад қувонтирди. Қарорнинг 5-бандида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ибратли ҳаёти ва бой меросини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида, унинг болалик даврига бағишлаб суратга олинаётган «Йўлбарснинг туғилиши» киносини охирига етказиш ҳақида таъкидланган. Келгусида шу каби фильмлар, ижодий ишлар кўпайиши, санъат ва маданият аҳли орасида Бобур образининг янги талқиндаги ижрочилари кашф этилаверишини умид қиламиз ва шундай эзгу йўлдаги ҳаракатларни бир овоздан олқишлаб қоламиз.

Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори



Ҳикоят ва ривоятлар олами

МАРДЛИК НАМУНАСИ

Ҳиндистонда ҳинд паҳлавони билан кураш тушишдан аввал Паҳлавон Маҳмуд одатига кўра, улўғлар мазорини зиёрат қилиш учун қабристонга боради. У ерда азиз-авлиёлар қабрига сиғиниб, бўлажак курашда ўғлига омад тилаб турган рақибининг она-сига дуч келади. Шунда кампир зор-зор йиғлаб, Ҳинд шоҳи Рай Ропой Чўнанинг паҳлавони бўлмиш ёлғиз ўғлининг кураш тушиб топган маблағи эвазига она-бола тирикчилик қилишларини айтади:

– Эшитдимки, Хивадан бир забардаст паҳлавон келибди, ўзи авлиё экан. Эртага у ўғлим билан кураш тушади. Ўзи авлиё бўлса, ўғлимга омон бермас!

Буни эшитган Маҳмуд: «Паҳлавон деб одамлар ундан манфаат кўрган кишига айтади. Бировга зарар етказиб, уни касбу маошидан айирган киши паҳлавон эмасдир», дейди ва қуйидаги рубойини ўқиб, онаизорни юпатади:

*Ўз нафсига ким бўлса амир,
улдир – мард,
Ҳеч кимсага бўлмаса асир,
улдир – мард.
Ўтмак сира мағлубни тепиш
мардлик эмас.
Тутса қўлидан забунни эр,
улдир – мард.*

Эртаси куни бўлган курашда у навқирон ҳинд полвонига атай йиқилиб беради.

Курашнинг эртасига Чўна аркони давлати билан овга чиқади ва ҳурматли меҳмон сифатида Паҳлавон Маҳмудни ҳам ўзи билан олиб кетади. Ов маҳалида бир оҳунинг ортидан тушган шоҳ отини учириб борар экан, жарга қулашига бир баҳя қолади. У билан изма-из от чоптириб бо-

раётган Паҳлавон Маҳмуд жар ёқасида шоҳни оти билан бирга даст кўтариб, муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолади. Шунда шоҳ ҳайратланиб сўз қотади:

– Сен бандасининг қўлидан келмайдиган ишни қилдинг. Шунча кучу қудратинг билан саройнинг ёш полвонидан енгилишининг сабаби нимада?

Паҳлавон Маҳмуд ўз мағлубиятининг сабабини айтиб бергач, шоҳнинг унга меҳри ошиб:

– Тила тилагингни! – дейди.

Паҳлавон Маҳмуд фурсатдан фойдаланиб, ҳинд элида яшаётган хоразмлик мусофирларни озод қилишини сўрайди. Шоҳ унинг илтимосини қондириб, уларнинг йўл яроғини ҳам ҳозирлаб беради.

ТАНТИ ПАҲЛАВОН

Эрон шоҳи курашга жуда қизиқар, у қурдирган кураш майдонида учта супа бўлиб, биринчи супа ўз вазни билан тенг полвонга, иккинчи супа ўз вазнидан оғир бўлганлар билан курашадиганларга, учинчи супа эса барча вазндагилар билан курашадиганларга мўлжалланган экан. Паҳлавон Маҳмуд учинчи супага келиб ўтирибди.

– Бу қанақа супа эканлигини биласанми? – деб сўрабди Эрон шоҳи.

– Устасига фарқи йўқ, – жавоб берибди Паҳлавон Маҳмуд. – Мен хоҳлаган полвонингиз билан курашга тушавераман.

У мусобақа давомида саккиз номдор полвоннинг елкасини ерга тегизибди. Шундан сўнг Эрон шоҳи минг олтин тангага сотиб олган қора танли полвонини майдонга чиқариб:

– Агар хоразмлик полвонни енгсанг, минг танга олтин, яна озодлик бераман! – деб эълон қилибди.

Буни эшитган Паҳлавон Маҳмуд номига кураш тушган бўлиб, рақибига атай йиқилиб берибди.

Эрон шоҳи ниҳоятда хурсанд бўлиб, полвонни озод қилибди ва минг олтин танга ҳам инъом этибди. Паҳлавон Маҳмуднинг тантилик қилганини билган қора танли полвон олтин тангаларни унинг олди-га келтириб қўйибди.

Паҳлавон Маҳмуд олтинларни олмабди:

– Сен қул эдинг, энди озод бўлдинг. Бу пулларни олгин-да, юртингга кетгин, – дебди.

НОДОН СУҲБАТИДАН ЗИНДОН ЯХШИ

Самарқанд амири бемаъни шеърлар ёзиб, шоирларга кўрсатар, унинг зулмидан қўрққан қалам аҳли ўз ҳукмдорларини ёлғондан мақташар экан. Полвонликдагина эмас, шоирликда ҳам машҳур Паҳлавон Маҳмуд Самарқандда бўлганида Амир унга шеърларидан ўқиб, баҳо беришини сўрабди. Тўғриси ўз ва жасур Паҳлавон Маҳмуд:

– Шеърларингизда маза-матрайўқ, – деб гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолибди.

Бу гапдан амир ғазабга миниб, уни зиндонга ташлашларини буюрибди. Эртаси куни яна бир рубойи ёзиб, зора шуниси маъқул келса деб, Паҳлавон Маҳмудни зиндондан чақиртириб, ўқиб берибди. Уни эшитгач, Паҳлавон Маҳмуд зиндонга йўл олибди ва бадиҳа тарзида ушбу рубойини ўқибди:

*Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ.
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.*

ЖОМИЙНИНГ МАСЛАҲАТИ

Бир ўртамиёна шоир Абдурахмон Жомийга шеърини ўқиб бериб:

– Шуҳрат қозониш учун шу шеъримни шаҳар дарвозасига осиб қўймоқчиман, жаноблари нима дейдилар? – деса, Жомий:

– Жуда яхши, унда бу шеърнинг ёнига ўзингни ҳам осиб қўйиш керак, бўлмаса одамлар бу шеър сеники эканлигини қаёқдан билишади, – дебди.

АҚЧАНГ ЁНИНГДА ҚОЛИШНИ ИСТАСАНГ

Ҳозиржавоблик даъвосини қилиб юрадиган бир ҳасис Абдурахмон Жомий олдида ҳазил тарзида:

– Уч ақчам бор, қандоқ қилиб шу пулга бир нима олиб тўйгунча есам-у, яна қолганини уч ақчага

сотиб, пулимни ундирсам, деб ўйлаб ўтирибман, – дебди.

Бунга жавобан Жомий шундоқ дебди:

– Қушхонага бориб, уч ақча берсанг, битта қорин беради, ичидагини еб қолганини яна уч ақчага сотасан, қўясан-да!

ҲАР КИМ ЎЗИ ИНТИЛСИН

Улуғ бир қабилага мансуб бир киши Амир Исмоил Сомонийга мурожаат қилиб хат ёзибди. Шунда Исмоил унинг хатига шундай деб жавоб ёзибди:

– Аждодинг шуҳратига суянма, ўзингга ўзинг шуҳрат топ.

Бу тўғрида бир юнонлик айтган экан: «Кимда-ким қариндошлари сабабли ўзига обрў, яқинлик ахтарса ва ўлган аждодлари билан фахрланса, ўша кишининг ўзи ўлик ва аждодлари тирик саналади».

ШОИР ЎҒРИСИ

Бир куни шоир Анварий (машҳур қасида навис шоир, вафоти – 1191) Балх бозорини айланиб юрса, биров унинг шеърини баланд товуш билан ўқимокда, атрофдагилар унга таҳсин ва офарин айтмоқда экан. Анварий яқинроқ бориб:

– Биродар кимнинг шеърини ўқияпсан? – деб сўрабди.

Ҳалиги одам:

– Анварийнинг шеърини, – дебди.

– Анварийни танийсанми?

– Нима эди? Анварий ўзим бўламан!

– Ё тавба, – дебди Анварий кулиб, – шеър ўғрисини эшитган эдим, аммо шоир ўғрисини биринчи кўришим.

ҲАР КИМГА МАҚСАДИГА ҚАРАБ

Тарих соҳасида жаҳон миқёсида тенги кам олимлардан бўлган Маҳмуд Камолдан сўради:

– Сиздаги билимнинг ўндан бирига эга бўлмаганлар сиздан бир неча баробар кўпроқ танилди. Бунинг сабаби нимада экан?

– Мен билмоқ учун ўргандим, улар билинмоқ учун!

«Донолар суҳбати» китоби асосида тайёрланди.



ВЕНАЛАРНИНГ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИ

Веналарнинг варикоз кенгайиши – оёқлар тери ости, яъни юза веналарининг кенгайиши клапанларнинг яроқсизлиги ва веноз қон оқишининг бузилиши сабабли келиб чиқади.

Бирламчи варикоз кенгайиши юзаки вена деворлари заифлиги, вена қопқоқларининг нуқсонлари билан боғлиқ. Бир қанча касалликлар ва жараёнлар бу касалликнинг ривожланишига имкон беради. Масалан, ҳомиладорлик анъанавий равишда варикоз томирлари кенгайишининг асосий хавфли сабабларидан бири ҳисобланади. Умуман олганда, бу жараёнда асосий қўзғатувчи омиллар – танадаги гормонал ўзгаришлар саналади. Яъни бундай ҳолатда ҳомиланинг ўсиши натижасида бачадон томонидан ретроперитонеал веналарни сиқиш ва қон айланиш ҳажмининг ошиши кузатилади. Бу эса томирларнинг варикоз кенгайишига сабаб бўлади.

Эпидемиологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, фақат иккинчи ва кейинги ҳомиладорлик варикоз томирларининг частотасини 20–30 фоизга сезиларли даражада оширади. Бундай ҳолда касалликнинг дастлабки белгилари ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида, бачадоннинг катталаниши ҳали содир бўлмаган вақтда пайдо бўлади. Семириб кетиш ҳам варикоз томирлари учун тасдиқланган хавф омилidir. Тана массаси индексининг юқори даражага кўтарилиши касаллик билан хасталанишнинг 33 фоизга ошишига олиб келади.

Шунингдек, мутахассислар ҳаёт тарзини варикоз томирларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади, деб баҳолайди. Масалан, оғир кўтариш ёки ҳаракатсиз туриш ва ўтириш билан узоқ муддатли статик юкларнинг салбий таъсири исботланган.

Саноатлашган мамлакатларда варикоз томирларнинг юқори даражаси маълум маънода овқатланиш тартибига боғлиқ. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашнинг юқори даражаси ва овқатланиш тартибидеги хом сабзавот ва меваларнинг камайиши веноз деворни қайта қуриш учун зарур бўлган ўсимлик толаларининг етишмаслигига олиб келади. Қарабсизки, касаллик юзага келади.

Иккиламчи варикоз кенгайиши эса чуқур веналар ўтказувчанлигининг бузилиши муносабати билан (*тромбоз, вена клапанлари етишмовчилиги, вена деворларининг туғма заифлиги ва ҳоказо*) веноз қон оқишининг бузилиши натижасида юзага келади.

БЕЛГИЛАРИ ҲАҚИДА

Варикоз касаллигида веналар кенгайиши пайдо бўлгунига қадар танада оғир оёқлар деб аталадиган синдромни пайқаш мумкин – кечки пайтларга бориб бемор оёқлари шишади, оғрийди, киши ўзини чарчагандай ҳис қилади. Ёки оёқ терисиде томир юлдузчалари (*телеангиэктазиялар*) – унча катта бўлмаган томирчалар тўрлари пайдо бўлади. Варикоз томирларнинг дастлабки аломатлари дам олсангиз, айниқса ётсангиз, тезда йўқолади. Кейинчалик эса, айниқса тушдан кейин ёки кечқурун оғриқлар кўпроқ ва тез-тез безовта қила бошлайди.

Шуни ёдда тутиш керакки, варикоз томирлар, агар улар жиддий даволанмаса, орқага чекинмайди, аксинча ривожланади. Хусусан, вақт ўтиши билан оёқда тўқ кўк рангли тери ости томирлар пайдо бўлади. Улар оёқ териси юзасидан чиқиб кетади ва пишган қизил узум шингилларига ўхшайди. Бу эса оёқлар ва болдир мушакларида кучли оғриқни, оёқларда иссиқлик ҳиссини, болдир мушакларидаги тунги томир тортишишини, шишларни келтириб чиқаради. Аста-секин бу аломатларга терининг ўзгариши қўшилади. Биринчидан, тери қурийди, қораяди, унинг устида жигарранг доғлар – пигмент пайдо бўлади. Бироз вақт ўтгач, терида трофик касалликлар деб аталадиган хасталик намоён бўлади. Бу ҳолат сурункали веноз етишмовчилиги деб аталади.

Касалликнинг энг асосий белгиси эса тери орасидан шишган, сертугун, кўриниб турган веналарнинг тери сиртига чиқиб қолишидир.

Касаллик белги берганининг сўнгги босқичларида тери рангининг ўзгариши, веналар атрофидаги терида ҳам, веналарнинг ўзида ҳам шамоллашнинг ривожланиши (*тромбофлебитлар*), варикоз тугунчалардан қон кетиши кузатилади, ўша жойларда яхши битмаган яралар пайдо бўлади.

КАСАЛЛИКНИНГ ХАВФЛИ АСОРАТЛАРИ

- * Ўткир тромбофлебит;
- * варикоз тугунининг ёрилиб, қон кетиши;
- * трофик яралар.

ДАВОСИ ҚАНДАЙ?

Оёқларингизда касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлиши биланок шифокорга мурожаат қилинг. Чунки фақат бошланғич паллалардагина варикоз касаллиги ривожланишининг олдини олиш мумкин.

Варикоз касаллигини даволаш қон томир жарроҳларининг (*флебологлар*) вазифасига киради. Шифокор ташхис қўйиш учун кўрик ва одатдаги таҳлилларни олишдан ташқари, веноз қон айланишининг ҳолатини ҳам текширади. Касаллик сабабларини аниқлаш ва тўғри даволашда чуқур веналар ўтказувчанлигини текшириш ва вена клапанлари фаолиятини аниқлаш катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда ультратовуш (*доплерография, дуплекс сканерлаш*), рентгеноконтраст флебография ва ҳоказо текширувлар ўтказилади.

Унутманг, жарроҳсиз муолажа (*склерозловчи терапия, хирургик операция*) касаллик ривожланишининг чўзилишига сабаб бўлиши мумкин холос, бунда варикоз веналарини йўқотишга эришиш жуда қийин кечади.

Касалликни даволашнинг консерватив усуллари ҳам бор. Улар асосан касаллик ривожланишининг илк босқичларида самара беради. Бунда дори воситалари билан биргаликда компрессион муолажа ҳам қўлланилади.

Ташхисдан сўнг шифокор беморга доимий кийиб юриши учун махсус тиббий буюм буюради. Тиббий кийимни танлаш ва ундан фойдаланиш бемор хоҳишига кўра амалга оширилади.

ТАБИЙЙ ЙЎЛ БИЛАН ДАВОЛАШ МУМКИНМИ?

Касалликнинг дастлабки даврларида халқ табobati орқали даволаш ҳам яхши самара беради. Қўйида уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз:

- * 0,5 л ароққа 50 г каштан гуллари солинади. Иссиқ, қоронғи жойда 2 ҳафта тиндирилади, ҳар кун чайқатилиб, докадан ўтказиб

турилади. Тайёр бўлган дамлама 3–4 ҳафта давомида кунига 3–4 марта 30–40 томчидан ичилади. Шунингдек, уйқу олтидан кенгайган венали териға суртилади;

- * бир ош қошиқ қичитқи ўт япроқлари бир стакан қайнаган сувға солиниб, сўнг 30 дақиқа тиндирилади ва докадан ўтказилади. Бу дамлама овқатдан бир соат кейин, кунига 3 маҳал бир стакандан ичилади;


- * 12 та каштан қоқ иккига бўлинади ва идишға солиб, устиға 3 л қайнаган сув қўйилади. Сўнг 200 г шакар қўшилади ва совиғач, пичоқ учида хамиртуруш ташланади. Дамлама 10 кун тиндирилиб, сўзғичдан ўтказилади ва кунига 3–4 маҳал бир стакандан, овқатдан 15 дақиқа олдин ичилади. Муолажа муддати 3–4 ой.

Умуман олганда, каштан пўсти (*уруғ пўсти*) қайнатмасидан оёқдаги оғриқларни йўқотишда, болдир мушакларининг тунги томир тортишишларида фойдаланилади. 100 г уруғ пўстидан ванна тайёрлаш учун идишға 2 л сув қўйилади, паст оловда 15 дақиқа қайнатилади ва 4 соат тиндирилиб, сўзғичдан ўтказилади. Муолажа вақти 15 дақиқа, бир курс муолажа муддати 10 кун, кунора бажарса ҳам бўлади;

- * 100 г қуруқ ботқоқ ўсимлигига 2 л қайнаган сув солиниб, тиндирилади ва сўзғичдан ўтказилади. Бу дамлама билан оёқлар ҳар кун ёки кунора 15 дақиқа ванна қилинади. Муолажа қичитқи ўт тиндирмасини ичиш билан бирга олиб борилади. Муолажа муддати – тузalgунча;

- * 200 г асалға бир ош қошиқ йирик туз аралаштирилади. Аралашма касал веналар бўйлаб оёқ териға юпка қилиб суртилади. Сўнг пергамент қоғоз ёпиб (*целлофандан фойдаланиш тавсия этилмайди*), дока билан ўралади. Компресс икки кун сақланади, кейин бир кун дам берилади. Муолажа муддати – 9 кун;

- * сувли ва пишган помидор майда қилиб тўғралади ва қаттиқ шамоллаган веналарға ёпиштириб чиқилади, устидан дока билан енгил боғлаб қўйилади. 3–4 соатдан кейин эски помидор бўлаклари янгиси билан алмаштирилади.



Г. ҲОЖИМУРОВА тайёрлади.

У тенгқурлари
ичида охирги бўлиб
узатилди. Ахир
кимдир охирги
бўлиши керак-ку!
Лекин одамлар буни
«ўтириб қолди»
дейишади... Бу хунук
ибора секин-аста
қизнинг ҳам кўнглига
мўралаб, ўзини-да
ишонтира бошлаган
бир пайтда совчилар
эшик қоқди (қўшни
қишлоқдан экан, бу
икки гўшани бир-
биридан айириб
турган биргина нарса
– ўртадаги мўъжаз
кўл). Ота-онаси
енгил нафас олди,
қиз эса кутилмаганда
қайсарлик қилди –
кўрмаган одамимга
тегмайман, деб
туриб олди. Ахийри
учрашувга чиқадиган
бўлди.

Ойқиз



Ойқиз мактабни битирган хос, аммо китоб жону дили, унинг дунёқараши бу қишлоқ сарҳадларини аллақачон тарк этган. Ҳовлию дала тўла ишу ўқишга вақт топади. Шаҳардаги катта кутубхонада ишлайдиган қишлоқдош дугонасини тиндирмайди – ҳафта ўтар-ўтмас тугатиб, янгисини сўрайди. Китобни деб унча-мунча танбеҳ ҳам эшитиб туради. Ахир жўнгина, шу қишлоқдан нарини кўрмаган бир қизнинг кўнглида нима борлигига ким ҳам қизиқарди? Ҳамма ўзи билан ўзи овора, ота-онанинг биттагина ташвиши – уни узатишса-ю, сингилларига йўл очилса. Ойқизнинг кўнгли эса бошқача, унда ҳар бир ўқилган китобнинг андозаси бор. Рангин, ўзга дунёлар, турфа тақдирлар, муҳаббат қиссалари, ўзигагина маълум орзулар ичида яшайди у. Ёр сиймоси ҳали Отабек, ҳали Илёс, ҳали Камронбей бўлиб гавдаланади қизнинг тасаввурида... Хаёлий маҳбуби мукамал сиймога айланиб бўлган, унинг фақат моддийлашуви қолган, илло, эртага шу буюк жараён рўй бермоғи ҳақида ўйлаб, ширин ҳаяжонга тушганди.

Эртасига, куз қуёши эндигина қиздира бошлаган палла марказдаги кичиккина боғда учрашдилар. Мана У! Ҳа, худди ўзи! Улар бир муддатгина хиёбондаги ўриндикда суҳбатлашди. Ойқиз Унинг юзига уч-тўрт бор шоша-пиша қараб олди-ю, бошқа ботинмади. Йигитнинг ҳам овозида майин титроқ бор эди. Демак... Фақат негадир У тезгина, бироқ илиқ хайрлашди. Ойқиз бундан ранжимади, чунки яна бироз ўтирса, юрагида «повв» этган олов вужудига туташиб, ҳолини ошкор этиши мумкин эди. Уйга қайтгач, онасининг сўраб-суриштиришларига «майли», деб қўя қолди. Шуурида эса бир икром садо берарди: «Билдим, севги деганини билдим...»

О, бу қандай бахтиёрлик эди! Қаёққа қарамасин – Унинг қиёфаси, нима иш қилмасин – Унинг хаёли! Ҳатто китоб варақларида ҳам У! Бир мартагина кўрди-ю, кипригининг учигача эслаб қолди, назарида. Ота-онасига тобе ва бу тобеликни заррача малол олмаган гўзал ахлоқли қизлар, одатда, туйғуларига изн берилса, бутун борлиғи билан севадилар. Ойқизни энди биргина савол қийнарди: наҳотки йигит ҳам уни кўргиси келмаяпти? Лоақал кўчасидан бир ўтсайди, узокдан бўлса ҳам қорасини кўра олса эди! Эҳтимол, йигитлар камроқ севишар?

* * *

Тўй бошланди. Қудалар уни камчиқим, дабдабасиз ўтказишга келишди. Негадир ҳатто оқшомги базм бўлмас, ота уйида қизлар ўзлари ўйнаб-қулишлари кифоя эмиш. Ойқиз кўп оёқ тирамай, кўна қолди. Қолаверса, унинг бахт ҳақида ўз тушунчаси бор: иккиси бирга бўлса бас.

Ҳа, севги ҳам бир девоналик: Ойқиз на кам-кўстга қаради, на онасининг кун бўйи кўз ёш тўқканига ажабланиди, аммаларининг «нима бўлгандаям, тиниб-тинчи, ортга йўл йўқ!» деб уқтиришларига эса кулгиси келди ҳатто. Беҳуда ваъз! Одамлар ғалати, қанча кутди ахир Уни, нега қайтсин?! Фақат бир нарсадан қўрқарди – кўзи кўзига тушганда юраги севинчдан тарс ёрилиб кетмасайди...

Никоҳ ўқилган пайт эски паранжига ўраб-чирмаб қўйилганидан куёвни деярли кўрмади. Кейинроқ, келинлик либосида ичкарида Унинг келишини пойлаб тураркан, дийдор лаҳзаларининг яқинлигидан қалби гулбарг мисоли титрарди. Бу пайтда қиз отонаси билан видолашиб бўлган, шахзодаси остона ҳатлаб кириб келиши ва гул тутиб, уни олиб кетиши тўйнинг ягона жозибали манзараси эканидан заррача ўқинмас, аксинча бениҳоя масрур эди.

Эшикдан бир нечта жўраларини эргаштириб куёв кириб келди. Куёв... кириб келди. Лекин... У қани?! Ойқиз ҳеч бир иккиланишсиз, қаттиқ тикилганча ўзи томон келаётган дўппили одамга ҳарир ёпинчиқ ортидан лол бўлиб қараб турди, сўнг ҳеч нарсани идрок этмагани ҳолда қўлига тутқа-зилган гулни ихтиёрсиз олди-да, атрофга аланглади. Бу ким? Қани У? Бу сўзларни ҳайқириб айтди гўё, лекин ҳеч ким эшитмади. Ҳалиги одам «ушланг!» дегандай тирсагини ҳавола қилиб турарди. Дугонасининг турткисидан чўчиб тушди. Атрофдан «бўлинг! энди, бўлинг!» деган овозлар қистар, бу худди бир алаҳсирашга ўхшаш ғайритабиий ҳодиса эди. Қиз унинг билагидан тутди-да, оёқлари қалтираганча эргашиб кетаберди. Худди гирдоб қаърига кириб борар, ўйлари пайдар-пай, дугонаси ҳар бир саволига «жим!» деб жавоб берарди. Улар пастгина остона зинасидан тушиб, кўчага, келинни олиб кетишга шай турган машина томон юриб борарди. Ойқизнинг мияси ғувиллар, жавобсиз саволлар дўлдек ёғилиб, қалбини нимталар эди: «Ким бу? Катта кишига ўхшайди, балки амакиси ёки тоғасидир? Уларда шунақа удум бордир, тоғаси келинни олиб чиқадиган? Унда нега ҳеч ким айтиб қўймади? Нега довдиратишяпти? Бу одам... қаергача бошлаб бораркин? Қани У, қани?!»

Машинага келин, сўнг ёнига... ҳалиги эркак ўтирди. Қизнинг юраги гурсиллаб ура бошлади. Ёпинчиқ ортидан яна қайта қаради. У ҳам худди шуни кутгандай, асли шундай бўлиши керакдай қизга юзланди. Бояғидай қаттиқ тикилди. Шундагина Ойқиз унинг юзидаги тиртиқча – чаккасидан то лабигача тортилган чандиққа кўзи тушди. Сесканиб, бор журъатини икки оғиз сўзга жамлаб, сўради:

– Сиз... кимсиз?

Эркак бир зумгагина кўзларини олиб қочди. Кейин «ялт» этиб қараб, таъкидлаб айтди:

– Кўрмаяпсизми? Куёвман!

– Қанақасига? Мен... Мен сизни танимайман!

– Ҳайда! – деди ҳалиги одам гўё унинг сўзларини эшитмагандек.

Қизнинг ич-ичида нимадир «чирт» этиб узилгандек бўлди. Наҳотки шу... Унда... Йўқ, бу туш! Бундай бўлиши мумкин эмас!!! Бу ёнига қаққонлик билан жойлашган дугонасига нажот билан қаради.

– Бу нимаси?

– Мен ҳам билмагандим, ишон, – пичирлади ўртоғи йиғлагудек бўлиб. – Энди ҳаммага шарманда бўлмай, жим ўтир!

Машина зувиллаб йўлга тушди. «Нима деяпти булар? Қанақасига? Учрашувга чиққан йигит қани?»

– Нари туринг! – дея беихтиёр дўппили одамни туртиб юборди

Ойқиз. – Бу қанақа юзсизлик? Қочинг! Мен тушаман, тўхтатинг!

Шунда дўппили одам билагидан маҳкам ушлаб, бир силтади:

– Жиннилик қилманг! Никоҳ ўқилиб бўлди!

Қиз бир тўлғанди-ю, боши орқа суянчиққа «шилқ» этиб тушди.

Ҳуши кириб-чиқиб етиб келди, чимилдиқ ичига қандай олиб кирганларини билмайди. Худди фақат жисми шу ерда, ўзи эса узоқоқлардан кузатаётгандай... Мана, ёқалари жиққа ҳўл, қалин кўрпалар устида йиғлаб ётибди. Бошида аммаси, яна бир-икки нотаниш аёллар. Уларнинг аврашлари, алдашлари, «шарманда бўлма!», «гап-сўзга қоласан!» деб пўписа қилишларию, дилпора келинчакнинг дод-войларини баён этиб, юракни эзишга ҳожат бормикин? Уни шундай, шунчалар алдашди. Ёши ўтиб қолган, бир нечта қиз билан учрашиб, юрак олдирган куёв юзидаги чандигини деб учрашувга чиқмабди эмиш. Ҳалиги йигит эса яқинда хотини қазо қилган дўсти экан...

Қанча вақт ўтди, билмайди, тинмай йиғлади. Уни овутгани, баъзан эса пўписа қилгани кимлар кириб-чиқмади. Охири куёв келди. Бутунлай бегона, аламзада, ширакайф бир эркак...

Ойқиз ҳамон йиғларди. Фақат энди беун ёш тўқарди. Ёнида пишиллаб ухлаб ётган... одамни уйғотиб юбормаслиги керак. Қарори қатъий. У на эрка, на инжиқ қиз эди. Ҳамма нарсага кўнарди. Лекин индамай кўниб, мана бу мунофиқ кимса билан бир умр бирга яшаш дунёдаги энг итоаткор қиз учун ҳам оғирлик қиларди.

Аста ўрнидан туриб, жуфт-жуфт болишлар зичлаб йиғилган токчани бўшата бошлади. Хайрият, дераза дала томонда экан. Эҳтиёткорлик билан очиб, сирғалиб тушди. Шундай секин юриб кетдики, қишлоқнинг энг сергак итлари ҳам пинак бузмай, ухлаб ётдилар. Икки қарта дала ошиб, кўлга етиб келди. Чангалзор ортидаги соҳилга етгачгина тўхтаб, ерга беҳол ўтирди. Ҳаётидаги энг даҳшатли тун ойдин ва сокин эди.

Кўл суви майин мавжланар, янги ойнинг акси тўлқинларнинг қўйнига кириб, келинчакдек зир титрар эди... Қиз кўлнинг нариги томонига термилганча юраги орзиди. Бир пайтлар ўша қирғоққа дугоналари ёки сингиллари билан келар, қий-чув солиб чўмилардилар, кўйлак қуриштиш учун ўзларини офтобга солиб ўтириб, бир-биридан ширин орзулар қилардилар. Ойқиз кўпинча ўзи ўқиган китобларини айтиб берар, тинглашни истамаганлар билан уришиб қолар эди. У жуда кўп ўқиди, ўзининг ҳаёти ҳам китоблардагидек жўшқин ва маънодор кечишига ишонди. Фақат китобларда ҳам баъзан энг масрур дамларда киши тақдири бирдан ўзгариб, орзулари чилпарчин бўлиши мумкинлигини унутган экан. Қандай севган эди-я! Тамом, барча гўзал ҳислар нариги қирғоқда қолиб кетди...

Ҳавода изғирин кезинар, кўл устида енгил буғ кўтарилганди. Лекин узун сочлари паришон, кўйлагининг этаклари титилган қиз шу тобда совуқни ҳис қилар ҳолатда эмасди. Ҳозир ярим тунда шу аҳволда уйига кириб бориши, отасининг қаҳри, эртанги жанжалу гап-сўзлар ҳақида ҳам ўйламасди. Шу қадар ерга урилган қадрига куярди шўрлик. Сувдаги оймомо аксига қараб, баттар тўлиқди.

Илгари у билан бахт, муҳаббат ҳақида ҳаёлий суҳбатлар қуради... Ҳозир эса кўкдаги сирдоши ҳаётидаги энг бахтсиз кунга шохид бўлаётир. Ойқиз аста пичирлади:

– Сен мендан бошқа қизларнинг ҳам ҳасратини тинглагандирсан, а, адаш? Айт-чи, улар орасида менчалик шўрпешонаси бормиди? Йўғ-а? Қара, шунчалар ҳам алдайдиларми? Гап чандикда ҳам эмас, менинг қалбимдаги жароҳат олдида унинг чандиғи ҳеч нарса эмас! Қодирийни ўқиган ҳар бир қиз чимилдикда «Сиз... ўшами?» деган сеҳрли сўзларни айтишни орзу қилади. Мен ҳам савол бердим. «Сиз... кимсиз?» дедим. Ахир бу қандай жазо?! Сенга бир гап айтаман. Агар бир кун: «Қизларни алдаб узатиш қадим замонларда қолиб кетган», десалар, ишонма. Номардлар ҳар қандай даврда ҳам бўлади. Қиз кўнглини оёқости қилувчилар доим топилар экан. Худодан қўрқмай-диганлар... Лекин мен қараб турмайман! Курашаман улар билан! Қиз бола ҳам ОДАМ эканлигини билиб қўйишсин! Эҳ, Оймоможон... биласанми, нима қилмоқчиман? Уйга қайтиб, отамнинг, онамнинг, кейин ўша... учрашувга чиққан номарднинг кўзларига тик қарайман! Нега бундай қилдинлар, энди менга нима бўлади, нима қилай, деб сўрайман! Ахир энди... энди менга нима бўлади?...»

Нимадир «чўлп» этиб, мавжларнинг мароми бузилди. Ойқиз чангалзорнинг у бошига қаради-ю, қандайдир шарпани кўриб, даҳшатдан сесканиб кетди. Тамом! Уни қувиб келишибди. Қиз ўзини чангалзор панасига олди. Юлғунинг новдалари орасидан ўша томонни кузатди. Икки киши. Хайрият, балиқ овлаётганлар экан. Улардан бири тўнғиллаган эди, иккинчиси шартта терс ўгирилиб олди. Қиз томонга... Тун шундай ойдин эдики, йигитнинг юзи элас-элас танир даражада ёришди. Қизнинг юраги кўксини ёриб чиққудек потирлаб кетди.

– Яна аразлайди-я! – деди балиқчи ёш ҳамроҳига ўдағайлаб. – Тош отганинг нимаси ахир, балиқларни чўчитиб? Ҳе, думбул! Ўзи нега бошимга оғриқ қилиб опкелдим сени, а? Ҳамма тўйда, бунинг шу кеча овга чиққиси кеп қопти.

– Сиз нимани билардингиз... – тўнғиллади йигит. – Боргим йўқ ўша тўйга.

– Нима бало, келин суйган қизингмиди?
– Ээ, дарров шунақа деманг. Бир мартагина кўрганман... – кейин худди ўзига гапиргандай, пичирлаб қўшиб қўйди: – Жуда яхши қиз у...
– Нима?
– Э, қўйинг, барибир айтмайман.

Балиқчи яна нималардир деб унинг ғашига тегмоқчи бўлди. Йигит бу пайтда ўз ҳаёллари билан банд, ўша учрашувга розилик берган кунини лаънатлар, бироқ шу ҳақда ўйлаши билан қалбининг туб-тубида бир шуъла пайдо бўлар ва борлигини ўзига фарқ этарди. Кейин худди ҳув анави сувда жилва қилаётган ойга ўхшаш қиз чехраси пайдо бўларди. Исми жисмига монанд Ойқиз... Худди бугун ҳеч қанақа тўй бўлмагандек, унга ним табассум билан уялинқираб қарайди-да, дарров кўзларини олиб қочади. Нега уни аввалроқ учратмади? Йўқ, энди у ҳақда ўйламаслиги керак! Энди у бировнинг хасми. Ўша, бир пайтлар далада ўзини комбайн босиб кетишига бир баҳя қолганда қутқариб қолган, аммо юзи жароҳат олиб, бир умр чандик билан яшаётган йигитнинг хасми у қиз. Ундан ўзини қарздор ҳис қилиб юрган шўрпешонани «ўрнимга учрашувга чиқасан», деб ҳол-жонига қўймаган, йўқ деёлмаслигини билиб, шундай қилган ярамаснинг хасми-ҳалолидир у...

Йигит беихтиёр баралла гапириб юборди:
– Э Худо, нима қилиб қўйдим?!
– Оббо, мунча эзилдинг, балиқлар қайтиб келади, – деди буни ўзича тушунган шериги.

«Балиқдан бошқа дарди йўқ бу чолнинг!» У илқис ўрнидан туриб, нари кетди. Чакалақзорнинг у томони-га. Тунги ёғдуда қизғиш товланган бесўнақай буталар ортида уни нима, ким кутиб турганини ҳали билмас, сал ўтмай, шохлар асабий шитирлаб, хунук чангал бағридан ойдек қиз чиқиб келиши ва бир зумлик даҳшат ва қарахтликдан кейин иккисининг кўзида ҳам юз йил кутилган сўзлар – «Сиз... ўшами?» деган савол сак этиши ҳозирча унинг ҳаёлида ҳам йўқ...

Йиллар ўтди. Дунёи дун чархпалаги тинмай айланиб, кимларнидир бир-биридан айирди, кимларнидир топиштирди. Ойқиз эса кўлдан анча олис, аммо тунлари ўшандай ойдин бир юртга бош олиб кетди. Отасининг оқ фотиҳаси, жуфти ҳалоли билан. Ҳув анави оппоқ уйнинг Оймомо мўралаб турган деразасига назар солинг-а: ана, Ойқиз бешикни тўхтатиб, ҳарир пардани хиёл кўтарганча пишиллаб ухлаётган болақайнинг юзига термилиб қолди. Дадасининг ўзгинаси-я! Бурни, қоши, пешонаси... қуйиб қўйгандек. Бу аниқ, чунки Ойқиз эрини ҳув ўшанда, биринчи учрашувдаёқ кипригининг учигача эслаб қолган...

Гулчеҳра АСРОНОВА,
журналист

TRIATLONCHI-SPORTCHILAR SARALANDI

Navoiy shahrida sportning triatlon turi bo'yicha O'zbekiston kubogining birinchi bosqich musobaqasi bo'lib o'tdi.

Unda O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti tizimida triatlon sport seksiyalarida shug'ullanayotgan 90 dan ortiq sportchi uchta yosh toifasida g'oliblik uchun bahs olib bordi.

Sportchilar musobaqa shartlariga ko'ra, belgilangan masofalarda suvda suzish, velopoyga va yugurish bo'yicha o'zaro bellashdi.

Murosasiz va qizg'in kechgan kubok musobaqasi quyidagi natijalar bilan yakunlandi:

12–15 yoshli o'g'il bolalar o'rtasida:

1-o'rin: Muhammadyusuf Abduxalilov (*Andijon v.*);

2-o'rin: Salohiddin Fayzullayev (*Toshkent v.*);

3-o'rin: Behruz Baxtiyorov (*Navoiy v.*).

12–15 yoshli qiz bolalar o'rtasida:

1-o'rin: Dayana Lukiyenko (*Toshkent sh.*);

2-o'rin: Nadejda Troshina (*Qashqadaryo v.*);

3-o'rin: Shahruza Tillayeva (*Toshkent v.*).

16–18 yoshli o'smir o'g'il bolalar o'rtasida:

1-o'rin: Ruslan Karnilov (*Toshkent sh.*);

2-o'rin: Abdullajon Qoraboyev (*Toshkent sh.*);

3-o'rin: Maksim Solovyov (*Toshkent sh.*).

16–18 yoshli o'smir qiz bolalar o'rtasida:

1-o'rin: Dilnura Xolnizoyeva (*Navoiy v.*);

2-o'rin: Sarvinozbeqim O'rinboyeva (*Qashqadaryo v.*);

3-o'rin: Aziza Zayniddinova (*Buxoro v.*).

19 yosh va undan katta erkaklar o'rtasida:

1-o'rin: Sulton Aliyev (*Toshkent sh.*);

2-o'rin: Biloliddin Adhamov (*Andijon v.*);

3-o'rin: Ahmad Bo'riyev (*Qashqadaryo v.*).

19 yosh va undan katta ayollar o'rtasida:

1-o'rin: Muslima Jumaboyeva (*Toshkent sh.*);

2-o'rin: Zulayho Nurullayeva (*Navoiy v.*);

3-o'rin: Oydina Ikromova (*Namangan v.*).

Umumjamoa hisobida:

1-o'rin: Buxoro viloyati;

2-o'rin: Toshkent shahri;

3-o'rin: Namangan viloyati.

G'olib va sovrindorlar O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti tomonidan diplom va esdalik sovg'alar bilan taqdirlandi.

Kubokning ikkinchi (*final*) bosqichi joriy yilning 18-19-avgust kunlari Navoiy shahrida o'tkazilishi belgilangan.



✓ XALQARO MUSOBAQA

YANA JAHON NIGOHIDA

Xalqaro aeronavtika federatsiyasining kalendar rejasiga asosan, Qozog'istonning Olmaota shahridagi Bayserke o'quv-sport aerodromida erkin uchar aviamodellar bo'yicha jahon kubogining Qozog'iston bosqichi va Yevroosiyo kubogi musobaqalari bo'lib o'tdi.

Oltita mamlakat – Qozog'iston, Qirg'iziston, O'zbekiston, Belarus, Rossiya va AQShdan tashrif buyurgan 80 dan ortiq sportchi o'zlari tomonidan yaratilgan samolyot modellari va ularning ochiq osmonda parvoz qilish imkoniyatlarini namoyon etdi. Bellashuvlarda ishtirok etgan O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining aviamodel sportchilaridan iborat terma jamoasi yuqori natijalarga erishib, mamlakatimiz sharafiga munosib himoya qildi.

Qizg'in va shiddatli kechgan bahslarda yurtdoshlarimiz quyidagi natijalarga erishdi:

jahon kubogining Qozog'iston bosqichida:

Aleksey Bundin (*Toshkent v.*) F-1-A-sinfida 2-o'rin;



Shamsiddin Boboyev (*Toshkent v.*) F-1-A-sinfida 3-o'rin;

Dmitriy Kovalenko (*Toshkent v.*) F-1-S-sinfida 3-o'rin.

Yevroosiyo kubogida:

Ayder Bekirov (*Toshkent v.*) F-1-A-sinfida 3-o'rin;

Alisher Mirzayev (*Farg'ona v.*) F-1-B-sinfida 2-o'rin;

Shavkat Ismatillayev (*Toshkent sh.*) F-1-B-sinfida 3-o'rin;

Valeriy Vardanyan (*Farg'ona v.*) F-1-C-sinfida 3-o'rin.

Har ikkala kubok musobaqalarida sportchilarimiz umumjamoa hisobida ikkinchi o'rinni qo'lga kiritdi. "Vatanparvar" tashkiloti jamoasi ushbu nufuzli musobaqalardan 2 ta kumush va 5 ta bronza medal bilan qaytgan sportchilarini qutlaydi.



O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi
"Vatanparvar" tashkiloti matbuot xizmati

DOIMIY VA DOLZARB VAZIFA

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasining 2023-yil
5-iyuldagi tegishli farmoyishiga

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasining 2023-yil
5-iyuldagi tegishli farmoyishiga
muvofiq, respublikamiz hududida
10-iyul kundan "Yong'in
xavfsizligini ta'minlash bo'yicha
"Dolzarb 30 kun" tadbirlari
boshlandi. Ushbu tadbirlar
Toshkent harbiy okrugidagi
harbiy qism va muassasalarda
ham davom etmoqda.

Yong'in xavfsizligini ta'minlashdek doimiy va dolzarb vazifani sifatli tarzda bajarishda soha mutaxassislarining malaka va ko'nikmalarini uzluksiz ravishda oshirib borish, ularni bu boradagi ilg'or tajribalardan xabardor etish, eng muhimi, yong'in xavfsizligi bo'linmalarida yuqori javog'ar shaylikni ta'minlash, doimiy tayyorgarlikda o'zaro sog'lom raqobat muhitini shakllantirishning ahamiyati



katta. Shuningdek, joylarda yong'in xavfsizligini ta'minlash bo'yicha nazariy bilimlarni oshirish va amaliy ko'nikmalarni mustahkamlash, sohaga oid rahbariy hujjatlar talablarini o'rganish hamda shaxsiy tarkib tomonidan yong'in o'chirish avtomobillarini saqlash va ularga texnik xizmat ko'rsatish kabi masalalar juda muhim.

Joylarda tashkil etilayotgan o'quv mashg'ulotlari tegishli tuzilmalar bilan hamkorlikda o'tkazilmoqda. Demak, mashg'ulotlarda asosiy e'tibor aynan yong'in paytida turli bo'linmalar harakatlaridagi uyg'unlikni, umummaqsad

yo'lidagi jipslikni ta'minlash, o'zaro tajriba almashish va mutaxassislar mahoratini oshirish, qolaversa, nazariy bilimlarni mustahkamlashga qaratilyapti. Shuningdek, aholining yong'in xavfsizligi borasidagi bilimlarini oshirishga yo'naltirilgan targ'ibot-tashviqot, tushuntirish ishlarini to'g'ri tashkillashtirish, ularni olib borishda samarali usul va vositalardan keng foydalanish masalalari ham diqqatimiz markazida.

**Kapitan Sardor ERBEKOV,
Toshkent garnizoni yong'in nazorati
inspeksiyasi boshlig'i**

MUDOFAGA KO'MITETI A'LOSHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTLARIDA



**O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga
ko'maklashuvchi "Vatanparvar"
tashkilotining Sirdaryo viloyati kengashi
tasarrufidagi Boyovut tumani o'quv
sport-texnika klubida yoshlarni harbiy-
vatanparvarlik ruhida tarbiyalash,
ommaviy kasb xodimlarini tayyorlash,
sportning texnik va amaliy turlarini
yanada ommalashtirish borasida
muayyan ishlar amalga oshirilmoqda.**

Bugungi kun talablari asosida mutaxassislar tayyorlashga e'tibor qaratayotgan mazkur tashkilotda "A", "B", "BC", "D" toifali haydovchilar tayyorlash ko'lami yanada kengaytirilib, bo'lajak haydovchilarning yetarli darajada bilim olishlari uchun ham nazariy, ham amaliy mashg'ulotlar olib borilmoqda. Buning uchun turli rusumdagi o'quv-mashq avtomobillari va boshqa o'quv-rushootlari faoliyati izchil yo'lga qo'yilgan.

Shuningdek, ayni kunlarda O'STKda tuman yoshlarining jismoniy, ma'naviy-ruhiy jihatdan ham yetuk bo'lishlariga alohida e'tibor qaratilyapti. Shu bois tuman hokimligi, harbiy qismlar, mudofaa, maktabgacha va maktab ta'limi bo'limlari,

TINGLOVCHILARGA QULAYLIK YARATILDI

Yoshlar ishlari agentligi va boshqa tashkilotlar bilan hamkorlikda turli tadbirlar tashkillashtirish keng yo'lga qo'yilgan.

– Bu boradagi tadbirlar ayniqsa “Yangi O‘zbekiston yoshlari, birlashaylik!” shiori ostida o‘tkazilgan “Yoshlar oyligi” doirasida yanada samarali bo‘ldi, – deydi O‘STK boshlig‘i Jamol Xoliqov. – Jumladan, Yoshlar kuniga bag‘ishlab, hamkor tashkilotlar ko‘magida yigirmaga yaqin ma‘naviy-ma‘rifiy va sport tadbiri tashkil etildi. Albatta, o‘tkazilgan bunday tadbirlar yoshlarning qalbidagi ona Vatanga muhabbat va sadoqat hissini, vatanparvarlik tuyg‘usini shakllantirishda muhim o‘rin tutadi.

Shu bois bunday ishlar ko'lamini yanada oshirish maqsadida harbiy-vatanparvarlik targ'iboti faol tarzda olib borilmoqda. Bunda albatta yoshlarni sportning texnik va amaliy turlariga jalb etgan holda sport musobaqalarini tashkil etish ham katta ahamiyatga molik ishlardandir. Ayni paytda klub qoshida "Havo

milting'idan o'q otish", "Yozgi biatlon", "Duatlon", "Karting" kabi seksiyalar faoliyati yo'lga qo'yilgan. Shu yil boshidan hozirga qadar 5 marta turli sport musobaqasi o'tkazildi.

Ayni paytda tumanda yoshlarni mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan kasblarga o'qitish ishlariga ham alohida e'tibor qaratilmoqda. Buning uchun klubda kerakli uskunalar bilan jihozlangan o'quv va laboratoriya xonalari tashkil etildi.

Bundan tashqari, tuman O'STK va Shirin shahrida joylashgan harbiy qismlarning biri bilan hamkorlik memorandumini imzolaniib, muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan askarlar va harbiy xizmatchilar ixtiyoriy ravishda "Vatanparvar" tashkilotining haydovchilik kurslarida ta'lim olish imkoniyatiga ega bo'ldilar. Eng muhimi, harbiy xizmatchilarga qulaylik yaratish maqsadida shu yerning o'zida sinfonalar jihozlanib, mashg'ulotlar olib boriladigan bo'ldi.



Akbar ALLAMURODOV

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

элементлари

Бугунги кунда бутун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўламда ривожланмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, сунъий интеллект тизимлари ривож ва инсоният ҳаётида тутган ўрни кун сайин кенгайиб бормоқда.

Сунъий интеллект замонавий ахборот тизимларининг ажралмас қисмига айланиб, мураккаб вазифаларни бажариш ва инсоннинг минимал аралашуви билан қарор қабул қилиш имконини берди. Сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари молия, соғлиқни сақлаш, транспорт ва ишлаб чиқариш каби турли соҳаларда инқилоб қилди. Бироқ ушбу тизимлар, шунингдек уларнинг мураккаблиги ва улар ишлайдиган маълумотлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, хавфсизликка катта хавф туғдиради.

ТАДҚИҚОТ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган бугунги шароитда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, саноат, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, мудофаа, хавфсизлик, туризм ҳамда бошқа соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш урфга кирмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ахборотлаштириш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали 2030 йилга қадар инновацион тараққий этган етакчи давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

2022 йил 25 февралда Ўзбекистонда киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Қонунда киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари сифатида қуйидагилар келтирилган:

- * қонунийлик;
- * кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги;
- * киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув;
- * киберхавфсизлик тизимини яратишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокининг устуворлиги;
- * Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорлик учун очиқлиги.

Киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади. Киберхавфсизлик ҳодисалари ваколатли давлат органи ёки киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ишчи органнинг мансабдор шахслари томонидан текширилади.

Киберхавфсизлик ҳодисаси содир бўлган ахборот ресурсининг ёки ахборот тизимининг эгаси, агар у текширув ўтказиш учун зарур бўлган ресурсларга ва техник имкониятларга эга бўлса, киберхавфсизлик ҳодисасининг текширувини ўтказиши мумкин. Бунда ваколатли давлат органи текширув натижалари тўғрисида хабардор қилиниши керак.

Киберхавфсизлик субъектлари томонидан киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- * дастурий таъминотдаги ва қурилмалардаги заифликларни ҳамда хатоликларни бартараф этиш;
- * зарарли дастурларни йўқ қилиш, уларнинг тарқалишини чеклаш, киберҳужумлар манбаини техник жиҳатдан чеклаш;
- * ахборотлаштириш объектларини мавжуд кибертаҳдидлардан ажратиш қўйиш;
- * ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида маълумотлар тақдим этиш.

Ахборот хавфсизлиги соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланиш 2000-йилларнинг

бошларида жуда оддий нарсалардан, яъни маълум бир профил мутахассислари, хусусан вирус таҳлилчиларининг ишини осонлаштирадиган тизимларни қуриш билан бошланди. Бу вақтга келиб, зарарли файллар намуналари сони шунчалик кўпайиб кетдики, қўлда ёки оддий автоматлаштирилган таҳлил энди етарли эмас эди. Булар зарарли коддаги нақшларни (ўхшашликни) аниқлаган ва ҳеч бўлмаганда минимал атрибутга рухсат берувчи тизимлар эди. Аслида бу кластерлаш ва катта маълумотлар билан ишлаш эди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда сунъий интеллектдан фойдаланиш қуйидаги икки омилга асосланади: кибервоқеа содир бўлган тақдирда тезкор чоралар кўриш зарурати ва кибермудофаа бўйича малакали мутахассисларнинг етишмаслиги.


Бундан ташқари, таҳдидни амалга оширувчилар ўз ҳужумларидан олдин чалғитишни амалга ошириши мумкин. Бундай вазиятларда сунъий интеллектга асосланган киберҳодисаларга жавоб бериш тизими ёрдам беради, бу бир вақтнинг ўзида кўп сонли ахборот хавфсизлиги ҳодисаларини қайта ишлаш, ахборот хавфсизлиги бўйича таҳлилчиларнинг мунтазам ҳаракатларини автоматлаштириш ва инсон аралашувисиз ҳодисаларга тезкор жавоб бериш имконини беради.

Бугунги кунга келиб, Сининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш доираси анча кенг. Интернетда янги таҳдидларни кўрсатиши ёки олдиндан башорат қилиши мумкин бўлган катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қиладиган глобал компаниялар мавжуд. Ушбу компанияларда маълумотлар тўпламларини тўплайдиган, СИ синф технологиясидан фойдаланган ҳолда уларни таҳлил қиладиган, кластер маълумотларини аниқлайдиган ва таҳдидларни башорат қиладиган тизимлар мавжуд. Ушбу технологияларсиз бундай ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш деярли мумкин эмас. Бу ерда албатта нейрон тармоқлар ҳам, кластерлаш ҳам жуда кенг қўлланилади. СИ тизимлари таҳдидларни кузатиш учун ҳам қўлланилади, яъни очиқ ва ёпиқ манбалардан тўпланган маълумотлар асосида ахборот хавфсизлиги таҳдидларини башорат қилиш учун фойдаланилади. Шундай қилиб, сўнгги йигирма йил ичида ахборот хавфсизлиги соҳасида сунъий интеллектни қўллаш вазифалари кўлами сезиларли даражада ўсди. Бугунги кунга келиб, сунъий интеллект кибертаҳдидлардан ҳимоя қилишда самарали ёрдамчидир.

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари ривожланишда давом этар экан, уларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган хавфсизлик чоралари ҳам ривожланади.

Сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларининг муҳим ролини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг хавфсизлигини биринчи ўринга қўйиш жуда муҳимдир. Ташкилотлар ўзларининг хавфсизлик ҳолатини мунтазам равишда баҳолашлари, хавфсизликнинг бир неча қатламларини амалга оширишлари, ходимларни сунъий интеллектга асосланган хавфсизлик чоралари бўйича ўқитишлари, хавфсизлик чораларини доимий равишда кузатиб боришлари ва янгилашлари керак. Шу тариқа ташкилотлар сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларининг хавфсизлигини ва потенциал таҳдидлардан ҳимояланганлигини таъминлаши мумкин.

Б. УРМАНОВ,
С. ҒУЛОМОВ, А. ИТОЛМАСОВ



ҲАММАСИ

ШАХМАТ

ҲАҚИДА

Ақл жанги, туйғулар ва истаклар муҳорабаси бўлган шахмат барча илм аҳли ва тафаккурга ошно кишиларни ўзига ошуфта этмай қолмаган. Шахмат хотирани заифлашишдан сақлайди, ишчанлик қобилиятини кучайтиради, бир сўз билан айтганда, ёшларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишида унинг ўрни бениҳоя юқори.

Одатда, шахмат ҳақида гап кетганда, унга спортдан кўра санъатга – шеъриятга яқинроқ деб баҳо беришади. Муқояса этадиган бўлсак, шахматни 64 та катак ичига жо бўлган ҳаётга, тафаккур ўйинига, гўзаллик ва нафосат курашига қиёс этиш мумкин. Не ажабки, бу дунёнинг ҳам ўзига хос синоатлари, қонун-қоидалари мавжуд. Инчунин, бу оламда қизиқарли воқеалар, турли ажойиботлар рўй бериб туради. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган кечмишлар ҳам шахматга ташна кўнглингизга равшанлик улашади, деган умиддамиз. Севимли шоиримиз лутф этганидек,

Ўйин эрмак эмас,
шеър ҳам, шахмат ҳам –
ақллар кураши, туйғулар жанги.
Бу жангда қўйилган ҳар битта қадам,
Фақат тўғри бўлсин, гўзал ва янги.

* * *

Шахмат бўйича бир неча карра жаҳон чемпиони Макс Эйве поездда кетаётганида нотаниш ҳамроҳи унга вақтни мазмунли ўтказиш учун йўл-йўлакай шахмат ўйнаб кетишни таклиф қилади. То манзилга етгунича 5 партия ўйнаган бўлса-да, нуқул ютқазаверганидан жиғибийрон бўлган шериги охири шахмат тахтасини бир четга улоқтириб, ўзига ўзи дейди:

– Жин урсин! Ишхонада мени ташкилотимизнинг Эйвеси деб макташарди. Нақ беш марта чемпион бўлганман. Келиб-келиб, кўчадаги аллақандай одамга ютқазиб ўтирсам-а?! Танишлар эшитиб қолса, устимдан роса кулишса керак!

* * *

Муаррихларнинг ёзишича, ҳарб илмида тенгсиз саркарда соҳибқирон Амир Темур шатранж ўйнашни яхши кўрган. Ҳатто унга қаноат қилмай, бу ўйиннинг мураккаб турини ўйлаб топади ва унга «Шатранжи комил» ёки «Шатранж ал-кабир» деб ном беради. Бир куни Амир Темур ана шу 112 катакли тахтада мулозимлари билан дона суриб ўтирганида чопарлар унга иккита қувончли хабарни келтиришади. Биринчиси ўғил фарзанд кўргани, иккинчиси Сайхун бўйида қурдираётган шаҳари битгани ҳақида эди. Ҳукмдор бу икки хушхабарни рақибига эндиgina рух билан шоҳ берган пайти эшитгани боис ўғлига Шоҳрух, шаҳарга эса Шоҳрухия деб ном беради.



* * *

Алёхин исмли буюк шахматчи ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Польшалик ёш гроссмейстер Мигуель Найдорф 1939 йили Буэнос-Айресда ўтган мусобақада у билан учрашиб, дўстлашиб қолади. Гап орасида у Алёхинга «Сизни аввал ютганман», деб мактанади. Алёхин 1932 йилда ўтказилган мусобақада икки партияда ҳам дуранг қайд этилганини айтиб, уни ёлғончиликда айблайди. Шунда Найдорф мийиғида кулиб, «1929 йили Варшавага келганингизда бирваракайига 32 тахтада сеанс олиб борганингизни эслай оласизми?» деб сўрайди.

Алёхиннинг қошлари чимирилади. «Ҳа, ўша 32 ўйиннинг 2 тасида шахмат тахтасига қарамай ўйнагандим, улардан бирида мағлубиятга учраганим ҳам рост. Наҳотки, 10 йил олдин Н7 хонасида руҳни қурбон бериб, мени чув туширган болакай сиз бўласиз?» дейди у ҳайрат билан.

* * *

Турли тадбирлар ва шоу-учрашувларни ёқтирадиган машҳур шахматчилардан бирини бошқа мамлакатга маҳорат дарси ўтказиш учун таклиф қилишибди. У биратўла 15–20 киши билан шахмат ўйнагач, тадбир сўнгига шахмат мухлислари билан суратга ҳам тушади. Кейин яна ўз мамлакатига қайтиб кетади.

Эртаси куни мусобақа ташкилотчилари сураткаш кўтариб келган суратга қарасалар, ҳамма бору, негадир жаҳон чемпиони кўринмасмиш.

– Суратда яна бир киши бўлиши керак, эди. Қани у? – десалар, сураткаш ҳам бўш келмай: «Ўша олдинда ўтирган семиз ва бесўнақай одамни айтяписизларми? Сурат сифатли ва чиройли чиқиши учун уни олиб ташладим», деб жавоб берибди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

VATANPARVAR	MUASSIS  O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI www.mudofaa.uz	Tahririyat kengashi: general-mayor Hamdam Qarshiyev polkovnik Otabek Yuldashev polkovnik Alisher Boboxonov Maqsud Abilov	Bosh muharrir: podpolkovnik Ahror Ochilov	Navbatchi: katta leytenant Dilshod Ro'ziqulov Sahifalovchi: Nodirabegim Ne'matova Musahhih: Mastura Qurbonova	Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan. Nashr ko'rsatkichi: 114. Bahosi: kelishilgan narxda.
		Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.	ISSN 2010-5541 Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan. Telefonlar: kotibiyat: 71 260-36-50 buxgalteriya: 71 260-35-20 yuridik bo'lim: 71 260-29-41 faks: 71 260-32-29	Buyurtma: G-0605 Hajmi: 6 bosma taboq Bichimi: A3 Adadi: 33 656 nusxa Bosishga topshirish vaqti: 14:00 Topshirildi: 14:30 Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga "O'zbekiston" NMIU mas'ul.	Manzilimiz: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi



www.mv-vatanparvar.uz
www.mudofaa.uz



mudofaavazirligi



mudofaavazirligi



www.youtube.com/c/UzArmiya